

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК: 375.12**

**Магистратура бўлими**

**“Педагогика” кафедраси**

**5A140801 – педагогика мутахассислиги**

**ИСМОИЛОВА ДИЛАФРЎЗ**

**ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ПРОГНОСТИКА  
ҚИЛИШНИНГ ДИДАКТИК ОМИЛЛАРИ (МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ  
МИСОЛИДА)**

**мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

**“Ҳимояга тавсия этаман”  
Магистратура бўлими бошлиғи  
\_\_\_\_\_ Н.А.Ҳамедова  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2011 й**

**Илмий раҳбар: п.ф.д., проф.  
\_\_\_\_\_ Н.М.Эгамбердиева  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2011 й.**

**“Педагогика” кафедраси  
муздари, п.ф.д., проф.  
\_\_\_\_\_ Н.М.Эгамбердиева  
“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2011 й.**

**ТОШКЕНТ – 2011**

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                 |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Кириш</b> .....                                                                                              | 3  |
| <b>I БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ПРОГНОСТИКА ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>                   |    |
| 1.2. Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш – муҳим педагогик муаммо сифатида.....            | 9  |
| 1.2. Педагогик прогностиканинг мазмуни ва моҳияти.....                                                          | 17 |
| Биринчи боб бўйича хулосалар.....                                                                               | 28 |
| <b>II БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ</b> |    |
| 1.3. Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишда узвийлик ва узлуксизни таъминлаш.....           | 29 |
| 2.2. Замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш.....        | 35 |
| 2.3. Педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологияси.....                  | 48 |
| Иккинчи боб бўйича хулосалар.....                                                                               | 69 |
| <b>Умумий хулоса ва тавсиялар</b> .....                                                                         | 71 |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....                                                                   | 75 |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни унинг интеллектуал салоҳияти ҳамда кадрларни тайёрлаш сифати билан ўлчанади. Бу ҳақида давлатимиз раҳбари Олий мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил, 29 август) сўзлаган нутқида жуда ўринли таъкидлаган эди: “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири – буларнинг барчаси, авваломбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамаиз англаб етмоқдамиз” [6, 5]. Бугунжаҳон муаммосига айланган кадрлар тайёрлаш сифатини замон талабларига мослаштириш бизнинг республикамиз учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Маълумки, замонавий жамият, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларининг кенгайиши натижасида таълим оммавийлигини ўсиши билан характерланади.

Таълим оммавийлигини ўсиши педагог касбини оммавийлигини ўсишига олиб келади. Аммо маълумки, педагог касби энг мураккаб касблардан бири ҳисобланади. Ҳақиқий педагог бўлиш учун бундан ташқари педагогик қобилият ҳам зарурдир. Педагогик қобилиятли кишиларнинг сони чекланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизимига, бу қобилиятга тўла эга бўлмаган кўп сонли кишилар қамраб олинаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Юқори суръатларда ривожланаётган фан, техника ва технологиялар шароитида, замонавий жамиятда, педагог касбининг янада мураккаблашувини қайд этиш зарурдир.

Илмий техник тараққиётнинг жадаллашуви, илмий-техник ахборотларнинг жадал ўсишига ва янгиланишига олиб келди, бу эса ўз навбатида кўчкисимон кўринишга эга бўлади. Дунёда ҳар йили юз минглаб китоблар журналлар чоп этилади, юз минглаб диссертациялар ҳимоя қилинади, Интернет глобал тармоғидаги ахборотлар оқимини амалда ўлчаб бўлмайди. Оммавий таълимнинг бундай шароитида, қандай қилиб замонавий талабларга, таълим стандартлари талабларига мос мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мумкин?

Педагогик фанларни ўқитиш мазмунини модернизациялаш соҳалараро интеграл ёндашувни амалга оширишни талаб этади. Интеграл таълим мазмуни асосида ўқитиш ўқув жараёнининг барча босқичлари учун самарали бўлиб, амалиётда бир нечта

интегратив ўқув курсларининг вужудга келишига асос бўлади. Интеграциялашган таълим мазмуни қуйидаги умумий мақсадларга эришишни таъминлайди:

- 1) таълим олувчиларни педагогик соҳага доир яхлит тарздаги билимларга эга бўлиши ва педагогик фаолиятни самарали ташкил эта олиши;
- 2) интеграллашган, ахборотлаштирилган ўқув материаллари ёрдамида ўқувчи шахси интеллектуал ривожланишининг таъминланиши;
- 3) педагогик воқеа ва ҳодисаларни юаҳолашда эркинлик, муаммоли фикрлашнинг ривожланиши кабиларнинг таъминланиши;
- 4) таълим олувчиларда муқобил фикрлашнинг шаклланиши;
- 5) таълим олувчиларда педагогик касбига доир шахсий майлларнинг намоён бўлиши.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, бугунги кунда педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш ўзида муҳим муаммони акс эттиради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Педагогик прогностиканинг назарий асослари аксарият ғарб ва рус олимлари томонидан атрофлича ўрганилган.

Узоқ ўтмишда яратилган педагогик-психологик асарларда, илғор тафаккур эгалари ишларида ҳам таълим-тарбия истиқболининг муҳим йўналишлари ҳақида қизиқарли ва долзарб фикрлар баён қилинган.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган қомусий олимлар ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, шунингдек, ўзбекистонлик олимлар И.Иванов, М.Г.Давлетшин, Ж.Ф.Йўлдошев, Р.Ҳасанов, Р.Сафарова, Б.Адизов, О.Розиқов, С.Ражабов, С.Аширбоев, С.Мадиярова[50] ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Р.Сафарова, У.Мусаев, Н.Мусаев, М.Салаевалар [82; 83] умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқишган бўлишса, Р.У.Нуржанова бошланғич таълим мазмунини прогностика қилишнинг педагогик омиллари [50] тадқиқ этилган.

Бироқ педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг дидактик омиллари, ташкилий-методик жиҳатлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шу сабабли биз тадқиқотимиз мавзусини “Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг дидактик омиллари (мутахассислик фанлари мисолида)” тарзида танлашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

**Тадқиқот мақсади:** педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг дидактик омилларини аниқлаш орқали истиқболга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдир.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Фалсафа, педагогика ва психология йўналишларида яратилган манбаларни таҳлил этиш асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг муҳим педагогик муаммо эканлигини асослаш.

2. Педагогик прогностиканинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш.

3. Замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш.

4. Педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологиясини яратиш ҳамда педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш мазмуни, дидактик омиллари ва технологияси.

**Тадқиқот методлари:** муаммога оид фалсафий, педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш; киёсий-педагогик таҳлил; педагогик кузатиш; прогнозлаша.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Педагогика фани концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Педагогика коллежларини ривожлантириш” тўғрисидаги қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг узлуксиз таълимни такомиллаштириш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш тизимини яхшилаш ҳамда юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тўғрисидаги фикрлари, шунингдек, ижтимоий-фалсафий, социологик, педагогик ва психологик йўналишларда амалга оширилган тадқиқотларда илгари сурилган ғоялар ташкил этди.

**Тадқиқот фарази. Агар:**

1) фалсафа, педагогика ва психология йўналишларида яратилган манбаларни таҳлил этиш асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги асосланса;

2) педагогик прогностиканинг мазмун-моҳияти ёритиб берилса;

3) замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилса;

4) педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологияси яратилса ҳамда педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика

қилишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса, тадқиқотдан кутиладиган натижаларга эришиш мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:**

1. Фалсафа, педагогика ва психология йўналишларида яратилган манбаларни таҳлил этиш асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги.

2. Педагогик прогностиканинг мазмун-моҳияти.

3. Замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.

4. Педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологияси ҳамда педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишга доир илмий-методик тавсиялар.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

1. Фалсафа, педагогика ва психология йўналишларида яратилган манбаларни таҳлил этиш асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги асосланди.

2. Педагогик прогностиканинг мазмун-моҳияти ёритиб берилди.

3. Замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилди.

4. Педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологияси яратилди ҳамда педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** “Педагогика” фани педагогика коллежларида таълим мазмунининг истиқболини белгилаш, унинг стратегиясини аниқлашга оид илмий-назарий қарашлар билан бойитилди ҳамда педагогика фани педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишнинг дидактик омиллари, ташкилий-методик жиҳатлари, педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурлар яратиш технологиясига эга бўлди. Мазкур натижалардан педагогика коллежлари ихтисослик йўналишлари ДТС, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, икки боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

## **I БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ПРОГНОСТИКА ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **1.2. Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш – муҳим педагогик муаммо сифатида**

“Прогноз” – грекча сўз бўлиб, кутилаётган воқеа ёки ҳодисаларнинг қандай кечиши, ривожланиши ва оқибатларини мавжуд далиллар, маълумотларга асосланиб, олдиндан айтиб бериш маъносини англатади. Таълим мазмунини прогноз қилиш эса шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш тараққиёти ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жамият ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларга бўлган талаблари, ижтимоий буюртманинг кўламини аниқлаган ҳолда, таълимнинг истиқболдаги мазмунини белгилаб беришни англатади [83, 3].

Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш муаммосини тадқиқ этиш педагогиканинг муҳим масалаларидандир. Педагогик прогностика ҳақидаги тадқиқотлар XX асрнинг 60-йиллари охиридан бошланган бўлиб, бу соҳада қуйидаги ишлар амалга оширилган:

И.В.Бестужев – Лада (педагогик прогностика назарияси ва тарихи), Б.С.Гершунский (амалий жиҳатлари), А.С.Арсеньев, Э.В.Безчеревних, В.В.Давидов, В.Р.Кондратов, Ф.Т.Михайлов (фалсафий-психологик нуқтаи назардан), П.И.Иванов ва Ю.К.Бабанскийлар (психологик-педагогик асосларини), шунингдек, ўзбек олимларидан М.Г.Давлетшин, М.Зуфарова (психологик асосларини), Ж.Йўлдошев, С.Ражабов, Р.Ҳасанов, Р.Сафарова, У.Мусаевлар педагогик муаммо сифатида ўрганганлар. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели асосида таълим мазмунини прогноз қилиш соҳасидаги тадқиқотлар педагогика фанида амалга ошириладиган илмий изланишларнинг мазмунини ҳам белгилаб беради [83, 3].

Бозор иқтисодиёти мунособатлари янги босқичга кўтарилган ҳозирги даврда шахснинг жамиятда тутган ўрни яққол намоён бўла бошлади. Энди Давлат ва жамият ўз ҳаётида етакчи мавқени эгаллайдиган шахснинг маърифий-маданий қиёфасини шакллантириш, уни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Бу ғамхўрлик натижасида таълим Ўзбекистон Республикасининг Давлат сиёсатида устувор бўлди. Худди мана шу сиёсат натижасида мустақил мамлакатнинг таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш жараёни бошланди. Бу жараён, биринчи навбатда, педагогика

фанининг тадқиқот объектини кенгайтирди. Ушбу соҳада мавжуд бўлган ички қарама-қаршиликларни бартараф этиш заруриятини қўйди.

Ҳеч кимга сир эмаски, мустабид сиёсат ҳукмронлик қилган йилларда педагогикада, асосан педагогика назариясининг тор доирадаги хусусий масалалари якка-якка тартибда тадқиқ қилинар эди. Бундай шаритда таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий асослари, йўлларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳақида фикр юритиш ҳам мумкин эмас эди.

Педагогик қарашларнинг таълим-тарбия жараёнига кўрсатадиган таъсирини таъминлаш тақозо қилинаётган ҳозирги даврда педагогика фанида мавжуд бўшлиқларнинг ўрни яққол намоён бўла бошлади. Бу бўшлиқ қуйидагилардан иборат:

1. Амалга оширилган педагогик тадқиқотларда ўзбек халқининг ўтмишда яратган бой маърифий, маданий, тарбиявий мероси, таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаси, таълим назариясига оид қарашлари ўрганилмади ва назарий жиҳатдан асосланилмади. Аслида эса, педагогик фикр, таълим –тарбия мазмунини белгилаш ҳақидаги назарий қарашларнинг илдизлари Шарқда шакллангандир.

2. Шарқдаги таълим-тарбия муассасалари, хусусий мактаблар ҳамда мадрасаларда амалга оширилган таълим жараёнининг мазмуни, шакли, воситалари, принцип ва методлари педагогика фанида ҳанузгача махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

3. Буюк мутаффакирларнинг маърифий қарашлари, таълим-тарбия назариясига оид фикрлари яхлит тарзда ўрганилиб, оммалаштирилмаган, балки айрим-айрим шахсларнинг педагогик қарашлари тарзидагина ўрганилмоқда. Бу ҳол педагогика фанида аналогия, бир типдаги ўхшаш тадқиқотларнинг амалга оширилишига асос бўлмоқда. Шак-шубҳасиз, бундай тадқиқотларнинг самарадорлик даражаси ҳам бир қадар паст бўлиши кузатилган[83, 4].

Ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнида шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг тараққиётига йўналтирилган узлуксиз таълим тизимининг назарий асосларини яратиш педагогика фанининг бош мақсади ҳисобланар экан, биринчи навбатда, педагогик психология соҳасида кенг қўламли илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш тақозо этилади.

Педагогик психология, авваламбор, шахслараро ва бозор иқтисодиёти муносабатлари тобора ривожланаётган жамият ҳаётини тараққий эттиришга йўналтирилган параметрларни назарий жиҳатдан асослашни талаб қилади. Зеро, бу муносабатларни ўрганмасдан туриб, таълим мазмунини мақсадга мувофиқ тарзда танлаш

мумкин эмас. Бу ўринда шахс ва жамият муносабатларининг педагогик ҳамда психологик йўналишлари ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида педагогик психология соҳасида амалга ошириладиган тадқиқотлар таълим мазмунини белгилашнинг истиқболли йўналишларини тадқиқ қилишни назарда тутлади. Лекин, бу соҳада ҳам ўтмишда яратилган педагогик қарашлар билан замонавий педагогик назариянинг уйғунлигини таъминлаш шарт. Бунинг учун педагогика фанининг фалсафий муаммолари ҳамда дин фалсафасига мурожат қилиш талаб этилади. Чунки ушбу манбаларда баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган қарашлар тизими ўз ифодасини топган ҳар бир шахсда умуминсоний, миллий-ахлоқий, ишбилармонлик, билимдонлик, собитқадамлик, эҳтирослилик хислатлари таълим жараёнида маънавий-маданият даражасига кўтарилиши талаб этилади. Бунда таълим мазмуни муҳим ўрин тутлади. Бунинг учун бевосита ўтмишда яратилган маданий-маърифий мерос ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таяниш лозим.

Ҳозирги замон педагогик тафаккури билан ўтмишда яратилган қарашлар орасидаги узвийлик, изчилликни таъминлаб бориш учун педагогиканинг етакчи масаласи ҳисобланган фалсафий ёндашувларни тадқиқ этиш тақозо этилади. Бунда фалсафанинг эркинлик ва ҳурфикрлилик категориялари таълим мазмунининг негизини ташкил этиши лозим. Бу ўринда, биринчи навбатда, педагогика фанининг бугунги кунга қадар фойдаланилмаётган имкониятлариданамалда фойдаланиш эҳтиёжи вужудга келади. Ҳозирги босқичда педагогика фани шахс, унинг дунёқараши, жамиятда тутган ўрни, шахс ва шахслараро, шахс ва давлат, шахс ва жамият муносабатлари, шахснинг жамиятда тутган ўрни, унинг бурч ва мажбуриятлари, ривожланаётган шахсда бурч ва виждон туйғусини тарбиялаш йўллари ҳақида жуда кам маълумотга эгадир.

Педагогика соҳасидаги изланишлар, биринчи навбатда, худди шу масалаларни ҳам қамраб олиши керак. Акс ҳолда, педагогик фани ўз олдида турган муаммоларнинг конструктив ечимини топа олмайди.

Педагогика фани таркибида унинг узвий тармоғи сифатида педагогиканинг фалсафий муаммолари юзасидан илмий изланишларни амалга оширгандагина педагогика фани таълим жараёнини самарали бошқариш имкониятига эга бўлади.

Педагогика фани ўзининг фалсафий тармоғи билан бир қаторда статистик ҳамда ижтимоий соҳаларини ҳам ривожлантириши зарур. Бугунги кунда социология йўналишидаги тадқиқотлар ниҳоятда бўш ва тор дарада амалга оширилаётганлиги учун ҳам социология фанининг предметини педагогик прогностика билан боғлаш имкониятлар чеклангандир. Ваҳоланки, педагогика фанининг ижтимоий педагогика ҳамда ижтимоий

психология тармоқлари билан боғлиқ кенг қўламли муаммолари социология фани билан алоқадорликда тадқиқ қилиниши лозим.

Ижтимоий педагогикага оид изланишларнинг қўламини кенгайтиргандагина педагогика фанининг марказий муаммоси бўлган фалсафий йўналишларни чуқур тадқиқ этиш имконияти туғилади. Бу ўринда дастлаб таълимнинг Давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги ўрни аниқ очиқ берилиши лозим.

Педагогика фанининг муҳим вазифаларидан бири – таълимнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг мақсад ва вазифалари, таълим даражалари, таълим-тарбияни амалга ошириш механизмлари, узлуксиз таълим тизими компонентлари, таълим жараёнининг мазмуни, таълим натижасига қўйиладиган талабларнинг шахс, Давлат ҳамда жамият манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда ишлаб чиқилишида намоён бўлади.

Таълимнинг мақсад ва вазифалари, унинг мазмунини аниқлаганда, педагогика фани, биринчи навбатда, масалага шахсни ривожлантириш, унинг манфаатларини Давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш, шахс фаолияти, дунёқарашини Давлат ва жамиятиривожлантирувчи омил даражасига кўтаришга эришишни назарда тутмоғи лозим. Бунда таълимни шахс ва жамият тараққиётини таъминловчи механизм даражасида асослаш назарда тутилади.

Жамиятнинг турли соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёжи, фан-техника, саноат ҳамда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини тараққий эттиришқўлами, жамият ва Давлат ҳаётининг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсадида педагогика фанининг муҳим тармоғи сифатида педагогик прогностикани ривожлантириш ҳам назарда тутилади.

Жамиятнинг ҳаётининг жадал ривожланиши, тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, педагогика фани педагогик прогностиканинг янги шакл ва воситаларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз зиммасига олмоғи талаб этилади.

Амалга ошириладиган тадқиқотлар педагогик прогностика билан таъминлангандагина, таълим Давлат ва жамиятнинг тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Айниқса, педагогика коллежлари тизимининг мазмуни, турли типдаги таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг даражаларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида педагогик прогностиканинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо қилинади. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иқтисод ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Шунингдек, педагогика соҳасидаги

тадқиқотларда педагогик прогностиканинг моҳиятини ошириш билангина педагогик амалиётда мавжуд бўлган турғунлик, қотиб қолиш ҳолатларини бартараф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таълим стратегияси билан боғлиқ муаммоларни ечиш жараёнида ҳам педагогик прогностикадан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим жараёни, унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситалари, таълим натижаларининг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан илғашга асос бўла олади. Аниқ педагогик прогностикага таяниб, амалга ошириладиган тадқиқотлар асосидагина таълим жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида координал ислохотларни амалга ошириш мумкин.

Педагогика фани ўзининг яқин ўтмишдан мерос бўлиб келаётган деклоратив функциясидан воз кечиши лозим. Чунки замонавий педагогика фанида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг натижалари эндиликда маъмурий ташкилотларнинг турли қарор ва кўрсатмаларига илова қилинмаслиги керак.

Педагогика фанида узоқ йиллар давомида барча тадқиқотларнинг натижалари ёппасига амалиётга татбиқ қилиниши лозим, деган қараш ҳукмронлик қилиб келди. Лекин ҳақиқатдан узоқ бўлган бундай ёндашув натижасида педагогик амалиётда турғунлик ҳолати кучайди. Шунинг учун ҳам педагогика фани таълим жараёнини диагностика қилиш ва яратилган назариялар, ўқув-методик мажмуаларни эксперимент асосида амалиётга жорий қилишнинг методологик асослари, аниқ механизмлари, йўл ва воситаларини ишлаб чиқиши керак.

Таълим жараёнини диагностика қилиш механизми шу жараённинг ютуқ ва камчиликлари, таълим натижасининг сифат кўрсаткичлари, таълим жараёнига татбиқ қилинадиган педагогик назариялар, янги технологияларнинг таълим амалиётини ривожлантира олиш ёки унинг тарққиётига тўсқинлик қилишини аниқлашга йўналтирилиши керак.

Педагогик эксперимент эса амалга оширилган тадқиқот натижаларининг самарадорлик даражасини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим жараёнини Давлат ва жамият томонидан белгилаб берилган ижтимоий буюртма асосида ташкил асосида ташкил этиш талаби билан боғлиқ тарзда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида кенг кўламли кузатишларни ташкил этиш тақозо қилинмоқда. Бу ўринда педагогика фани кенг кўламли экспериментларни ташкил этиш ва ўтказишнинг йўл-йўриқлари, механизмлари,

экспериментларни экспертиза қилиш мезонларини таклиф қилиш билан бир қаторда педагогик прогностиканинг хусусий тармоқларида муайян фан асосларини ўқитиш бўйича экспериментларни ташкил этишнинг дастурлари, ўзига хос хусусиятларини аниқлаши лозим. Шу билан бир қаторда ўтказилаётган экспериментнинг характери билан боғлиқ тарзда ўқув дастурлари, дарслик ёки дарс ишланмалари, методик қўлланмалар, дидактик ишланмалар яратилиши ва эксперимент жараёнига тақдим этилиши керак. Чунончи, агар ўқув дастури тажрибадан ўтказилаётган бўлса, кузатилаётган таълим жараёнини албатта, дарслик ёки дарс ишланмалари, техник воситалар, кўргазмалар, қўлланмалар, ўқув қўлланмалари билан таъминлашга эришиш талаб этилади. Бунда асосий эътибор ўқитувчининг қайси метод ёки технологияни қўллаганлигига эмас, балки ўқув дастури дорисида тақдим этилаётган таълим мазмунининг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилади. Бу ўринда, албатта, тажриба-синов жараёнига жалб этилган назариялар, таълим моделлари ҳамда тажриба гуруҳларидан олинган натижалар статистик жиҳатдан ишланиши талаб этилади. Бунда тажриба-синов жараёнининг дахлсизлиги, холислигининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик экспериментларнинг натижалари мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртида “Нимага эришиш лозим?” – деган саволга эмас, балки “Қандай натижага эришилди?” – деган саволга жавоб бера олиши керак. Ўтказилиши кўзда тутилган экспериментга муфассал тайёргарлик кўрилиши лозим. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида амалга ошириладиган экспериментга қўйиладиган ўқув дастурлари, дарслик ёки таълим технологиялари нуфузли илмий-педагогик ташкилотларнинг ходимлари ҳамда методист олимлар муҳокамасидан ўтгандан кейингина эксперимент майдонларига олиб кирилиши талаб этилади.

Амалга ошириладиган эксперимент жараёни ва уларнинг натижалари экспертизасига нуфузли илмий-педагогик жамоалар ҳамда етакчи мутахассислар жалб этилиши талаб қилинади. Кенг қўламли экспериментларнинг амалга оширилиш жараёни ва натижаларининг экспертизаси илмий-педагогик жамоалар томонидан олдиндан тасдиқланган низом талаблари асосида амалга оширилиши керак.

Экспериментларнинг экспертизаси тажриба-синов талаблари билан боғлиқ тарзда амалга оширилиши ҳамда эксперимент жараёни ва натижаларининг холис тарздаги чуқур илмий-педагогик таҳлилдан иборат бўлиши талаб қилинади. Фақат шундагина педагогик прогностика асосида белгилаб берилган таълим мазмуни самарадорлигини ҳамда педагогика фанида амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари эса Ўзбекистон

Республикаси ҳукумати ва халқ таълими муассасаларининг қонун, қарор ва кўрсатмаларини ривожлантириш ҳамда таълим амалиётига изчил жорий қилинишини таъминлашга хизмат қила олади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида белгилаб берилган таълим мазмуни қабул қилинган қонун, қарор ва кўрсатмалари таълим жараёнини ривожлантиришга хизмат қила олмаслиги ҳамда жамият манфаатларига мос келмаслиги илмий жиҳатдан асосланса, педагогика фани илмий экспертиза натижаларидан кенг жамоатчилик, қонун чиқарувчи ташкилотларни хабардор қилган ҳолда уларни такомиллаштириш ёки бекор қилиш ҳақида илмий жиҳатдан асосланган таклифлар киритишни ўз зиммасига олмоғи керак.

## **1.2. Педагогик прогностиканинг мазмуни ва моҳияти**

Жамият ҳаётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида педагогик прогностика ўзининг аниқ белгилаб олган мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқ этаётган муаммоларининг мантиқий асослари, ривожланиш қонуниятлари, ўзининг таянч методологиясига эга бўлган педагогика фанининг муҳим тармоғи сифатида нмоён бўлади. Педагогик прогностика Ўзбекистон Республикасида илмнинг устувор соҳаси сифатида мустақил Давлат ва жамиятнинг тараққиётига хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини янгидан-янги педагогик назариялар негизида вужудга келган таълим моделлари ва технологиялари билан қуроллантириш асосида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилгандир.

Педагогик прогностика ўқувчи шахсининг ёш хусусиятлари ва ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда таълим технологияларини танлайди. Танлаб олинган муайян таълим технологиялари дориасида ўқувчиларга турли даражадаги тушунчалар ҳамда интерпритациялашган билимларни тақдим этиш йўллари, шакл ва воситаларини таклиф қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шахснинг индивидуал қарашларини Давлат ва жамият манфаатларига йўналтириш, жамоани вужудга келтириш қонуниятлари, педагогик жараённинг ижобий натижа беришини таъминловчи моделларни ишлаб чиқишни таъминлаш учун педагогик прогностика шахс ва жамият, уларни уйғун тарзда ривожлантириш қонуниятлари ҳақидаги чуқур, ҳар томонлама асосланган билимларга таяниши лозим.

Шунингдек, педагогик прогностика таълим жараёнини педагогик жиҳатдан таъминлаш, уни янгидан-янги технологиялар билан бойитиш соҳасидаги изланишлари, ўқитувчининг таълим жараёни, ўқуви фаолиятини мустақил билим олиш сари йўналтиришга раҳбарлик қилиш маҳорати, шахсий сифатларини педагогик-психологик тайёргарлиги, хусусий соҳадаги билимини нутқ, мулоқот, муомала маданиятини ошириш йўллариини таклиф қилиш устида ҳам изланишлар олиб бориши керак[50, 3].

Зеро, ўқитувчи шахсининг фаолияти, унинг касб маҳорати, билимдонлик ва маданий-ахлоқий даражаси ҳар қандай педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Модомики шундай экан, педагогик прогностика ўқитувчи фаолиятини педагогик санъат даражасига кўтаришнинг йўл ва воситалари, ўрта махсус ҳамда олий педагогик таълим беришнинг қонуниятлари мазмуни ва янгидан-янги моделларини ишлаб чиқиш ва тақдим қилишни назарда тутиши керак. Бунда шарқ педагогикасида ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда жаҳон тажрибаларидан уйғун тарзда фойдаланиш механизмини яратиш талаб этилади.

Педагогик прогностика ўзи тадқиқ қилишга киришган муаммоларини ҳар томонлама батафсил ёритиши учун ижтимоий-психология, социология, антропология, одам анатомияси ва физиологияси, фалсафа, статистика каби фан соҳаларига таяниб иш кўради. Чунки педагогик прогностика ўз изланишларини амалга ошириш жараёнида худди шу фан соҳаларида аниқланган қонуниятлар, аксиома даражасига кўтарилган илмий ҳақиқатларга асосланади. Айниқса, янги моделлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда бунга қатъий амал қилинади.

Муайян бир педагогик технология назарий жиҳатдан асосланганда, педагогик прогностика ўқувчи ҳамда ўқитувчининг жонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, унинг эркин фикрлаш, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутмоғи лозим.

Таълим жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари хоҳ таълим мазмуни, хоҳ ўқув дастури, хоҳ ўқитувчи фаолияти орқали ўтишидан қатъий назар ўқувчининг жонли ҳаётий тарздаги эркин ва ижодий фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш талаб этилади. Бундай педагогик технологиялар, биринчи навбатда, ҳар бир ўқувчини бошқа ўқувчилар, дарс материаллари ҳамда ўқитувчи билан эркин тарзда мулоқот қилиши, фикр алмашишини таъминлайди.

Дарслик материаллари таркибида репродуктив ҳамда фронтал тарздаги машқ ва бошқа таълимий топшириқлар миқдорини кескин камайтириш маҳсулдор, ижодий

характердаги машқ ва топшириқлар тизими билан таълим жараёнини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бир қаторда педагогик технологиялар ўқув материалларининг кенг қамровли ҳамда кўп вариантлилиги, назорат топшириқларининг валитлигини таъминлаши талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг фан асосларидан аниқ меъёрланган чуқур билимга эга бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, педагогик технологияларнинг кенг диапазонли бўлиши Давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг максимум миқдоридаги ижодий ҳамда эвристик даражаларини белгилаш имконини ҳам беради. Шу маънода, педагогик прогностика тафаккур доирасида бугунги кунга қадар ҳукмрон бўлиб келаётган қуруқ методизмдан воз кечиши керак. Бу демак, таълим-тарбия жараёнини бошқаришда педагогик технологиянинг устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Хусусий дидактика ҳам эндиликда хилма-хил катта-кичик методларни излашдан иборат бўлган тайёр трафаретга айланган тадқиқотлардан воз кечиб, муайян фан соҳаларида амалга ошириладиган таълимнинг самарадорлигини таъминлашни назарда тутиб, янги педагогик технологияларни яратиш билан жиддий шуғулланиши керак. Зеро, хусусий дидактика бу муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилмасдан муайян фан соҳаларини ўқитиш жараёнида шахсни тарбиялаш, унинг маданий-маънавий даражаси, дунёқараши ва миллий руҳи, ақлий-интеллектуал салоҳияти, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил эта олмайди. Чунки илғор педагогик технологиялар педагогик амалиётнинг ўқувчи шахсига қонунлар мажмуи, табиат ва жамият ҳодисалари, кишилиқ маданияти ва ахлоқ-одоби муайян фан асосларини танитувчи, сингдирувчи шакли сифатида намоён бўлиши керак. Бу соҳада назарий жиҳатдан қатъий асосланган, ҳар томонлама синовдан ўтган ҳамда аниқ амал қилувчи қонуниятларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик прогностика янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш жараёнида дидактик бирликлар орасидаги объектив шарт-шароитлар, барқарор ҳолатларни ҳамда қонуниятларни ҳисобга олиши лозим. Чунки дидактик бирликлар орасидаги барқарор қонуниятларни ҳисобга олмасдан туриб, педагогик технологияни жорий этишнинг йўл ва воситаларини кашф этиш мумкин эмас.

Педагогик прогностика педагогик технологияларни таълим жараёнига интенсив тарзда қўллаш механизмини яратгандагина, таълим тизимида мавжуд бўлган барча ҳолатларни қамраб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки педагогик технология педагогик

прогностика орқали узлуксиз таълим тизимини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ҳар қандай назарияни амалиётда қўллашнинг энг қулай ва самарали воситасидир.

Педагогик технология ўқув-билув жараёнини яхлит тарзда қамраб олиш имкониятига эга. Педагогик технологияни кенг қўламда жорий этиш мақсадига эришиш учун педагогик прогностикага таянган ҳолда кўп тармоқли тадқиқотларни амалга оширишга эришиш талаб этилади.

Янгидан-янги педагогик технологияларни излаш ва таълим амалиётига татбиқ этиш механизмларини таклиф қилиш орқали педагогик прогностика педагогика фанининг амалиётга йўналтирилган тармоғи сифатида намоён бўлиши лозим. Бу билан фақатгина таълим ва жамият ҳаёти ривожланиб қолмасдан, балки педагогик ғоялар ва билимлар ҳам жадал ривожланиб боради. Фақатгина сифат жиҳатдан юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали педагогик прогностика шахсни ривожлантиришнинг энг қулай йўллари таклиф қилиш имкониятига эга бўлади. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш қонуниятларига таяниб яратилган педагогик технологияларга таълим тизимидан барқарор ўрин эгаллаш олади.

Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида Давлат талаблари ҳамда Давлат таълим стандартлари шаклида белгилаб берилган.

Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари таълим тизими олдида Давлат ва жамият томонидан белгилаб қўйилган ижтимоий буюртмани ўзида ифодалайди. Бу ижтимоий буюртма таълим мазмунини педагогик прогностикага таянган ҳолда белгилаш асосида мунтазам янгиланиб боради. Чунки Давлат ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар янгиланиш ва ривожланиш жараёни давом этар экан, ижтимоий буюртма ҳам ўзгариб боради. Бу ижтимоий буюртма, ўз навбатида, Давлат таълим стандарти талабларини ҳам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Ижтимоий буюртмани характерини аниқлашда бевосита педагогик прогностика натижаларига таянилади. Акс ҳолда таълим жараёни шахсга нисбатан ривожлантирувчи характер касб эта олмайди.

Шу маънода Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим (1-9-синфлар), академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий таълим (бакалаврият, магистратура), илмий педагог кадрлар тайёрлаш тизими (аспирантура, докторантура), педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўғини, хусусий ҳамда нодавлат таълим муассасаларининг барча турлари учун алоҳида-алоҳида белгилаб қўйилади.

Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари педагогик прогностика натижаларига таяниб, илмий жиҳатдан асосланган ҳолда Давлат томонидан белгилаб қўйилади ва бир қатор педагогик талаблар, мезонлар, тамойилларга амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилади.

Педагогик прогностика шахсни ҳар томонлама ривожлантириш қонуниятларига асосланган ҳолда Давлат таълим стандарти доирасида таълим мазмуни негизининг минимал ҳамда максимал, яъни ижодий ва эвристик, шунингдек, таълимнинг муайян даражаларини эгалланганлик ўзлаштирилганлик натижаларини белгилаб беради.

Таълим мазмунини аниқлашга хизмат қиладиган йўналишлар ва талабларда миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар ахлоқий, ҳуқуқий маданият элементлари, фалсафий, иқтисодий, экологик, информაციон, шунингдек, муайян фан соҳасидаги хусусий билимларни ўқувчиларга тақдим қилишни назарда тутган ҳолда бу соҳадаги изланишларни амалга ошириш лозим.

Педагогик прогностика Давлат ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида адрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида Давлат тили ҳамда бошқа хорижий тиллардан бериладиган таълим мазмунининг негизи ва асосий йўналишларини аниқлаш учун ҳар томонлама асосланган назарий қарашлар тизимини татбиқ этиши талаб этилади.

Таълим стандарти доирасида белгилаб бериладиган йўналишлар ҳамда таълим мазмуни негизини ташкил этувчи тушунчаларнинг ўқувчиларда руҳий имкониятнинг кенгайиши, ақлийинеллектуал тараққиётни таъминлай олиши назарда тутилади. Бунда Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб бериладиган йўналишлар ва таълим мазмуни негизини ифодоловчи тушунчалар ўқувчиларнинг муайян фан асосларидан эгаллайдиган билимлари, илмий дунёқараш, китобхонлик маданияти, коммуникатив, информაციон, ҳуқуқий билимдонлик кўникмалари, муомала одоби, маънавий-ахлоқий ҳамда умуммаданий қарашларини шакллантиришни назарда тутган ҳолда белгилашга эришиши тақозо этилади.

Узлуксиз таълим тизимининг алоҳидаалоҳида бўғинлари ва босқичлари учун белгиланадиган Давлат таълим стандартлари таълим мазмуни доирасида интеграция ва табақалаштиришнинг турли даражаларини амалга ошириш имконини бериши лозим. Бунда:

а) Давлат таълим стандартларининг максимум ҳамда минимум даражалари ўқувчиларда муайян таълим соҳаси ёки ўқув предмети мазмуни доирасида ўқув ҳамда умуммеҳнат кўникмаларини шакллантириши;

б) турли ёшдаги болаларга уларнинг ёшига мос бўлган даражада таълим олиш, ўрганиш, ижодий фаолият кўрсатиш учун имконият яратиш, яъни таълим мазмунининг махсулдор моделларини тақдим этиш учун имкон бериши;

в) Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида таълим мазмунининг муқобил, кўп вариантли ва интеграциялашган моделларини қўллаш учун қулайлик яратиши;

г) турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар учун алоҳида-алоҳида даражалардаги табақалаштирилган таълимга йўл очиши назарда тутилади.

Педагогик прогностика битирувчи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни аниқлашда масалага шахс манфаатлари, шахс, Давлат ва жамият, фан, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашилишини таъминла лозим. Бунда:

1) таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ўқув юкмасининг Давлат ва жамият тараққиёти шахс, фан, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ва манфаатларига мос келиши;

2) Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб бериладиган йўналишларнинг муайян ўқув фани ёки таълим соҳаси бўйича тақдим этиладиган ўқув материалларининг максимум-ижодий ҳамда эвристик, шунингдек, минимум-зарурий даражаларини аниқ белгилаб бера олиши;

3) ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма, малакаларини тезкор назорат қилиш механизмини яратишга имкон бериши лозим.

Таълим тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириладиган ҳозирги босқичда педагогик прогностика Давлат таълим стандартлари ҳамда таълим амалиётига тақдим қилинган таълим мазмунининг сифат натижаларини белгилаб қўйилган талаблар асосида таълим жараёнини мунтазам таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг доимий ривожланиб боровчи эҳтиёжлари, таълим мазмунининг самарадорлик даражасини аниқлаши, таълим моделларини изчил тарзда янгидан-янги билим ва тушунчалар билан бойитиши, таълимни тезкор бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш соҳасида кенг қўламли тадқиқотларининг амалга оширилиши тақозо қилинади.

Педагогик прогностика Давлат таълим стандартлари параметрлари асосида педагогик диагностиканинг йўналишларини аниқлаши ва ўқувчилар тайёргарлик даражаси, шунингдек, таълим жараёнини диагностика қилиш технологиясини ишлаб чиқиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим жараёнини диагностика қилиш ҳамда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг сифатини баҳолаш ягона занжирни ташкил этишга эришиш лозим.

Маълумки, кўп ҳолларда ўқув дастури муайян бир тушунча ёки билимни эгаллаш учун белгилаб қўйилган вақт ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятларига мос келмайди. Натижада ўқувчининг вақти ва кучини тежашда номутаносиб ҳолатлар вужудга келади. Бу ҳол, энг аввал таълим олувчилар руҳий имкониятларининг бир текисда ривожланишига тўсқинлик қилади. Бу ўринда, биринчи навбатда, Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш асосида улар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда тадрижий асосда такомиллашиб бориш жараёнини илмий-методик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчи ундан талаб қилинган биринчи кўникмани эгаллашига нисбатан унинг занжиридаги иккинчи, учинчи ва ҳоказо кўникмаларни эгаллашга бир қадар камроқ вақт ва куч сарфлайди. Чунки шахсга нисбатан ривожлантирувчи характер касб этган таълим мазмунида кўникма ва малакаларнинг ўзаро интерпритация ҳолатига кирган билим, кўникма ва малакаларгина бир-бирини бойитиши мумкин.

Таълим мазмунининг турли даражалари белгилаш жараёнида ўзаро интерпритация ҳолатида турган билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинишини назарда тутиш таълим мазмуни доирасида интеграциянинг турли даражаларини вужудга келтириш, ўқувчиларнинг вақтини оқилона режалаштириш йўллари ва қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Бу ўринда Давлат таълим стандартлари доирасида билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши, яъни эволюцияси билан боғлиқ тарзда белгилаб қўйиладиган минимум талабларнинг ҳам мунтазам ортиб бориши педагогик тадқиқотларда ўз ифодасини топмоғи керак. Акс ҳолда, таълим ўқувчи шахсига нисбатан ривожлантирувчи характер касб эта олмайди.

Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларини аниқлашда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- ўқувчи меҳнатининг қўлами;
- таълим олувчиларнинг билиш, ўзлаштириш фаолиятининг натижалари;
- ўқувчилар тайёргарлик даражасининг у ёки бу қирраси;
- ўқувчиларнинг касб кўникмаларини эгаллаганлик даражаси;

- хусусий соҳага оид билимларининг даражаси;
- ўқувчининг шахсий сифат ва хислатлари;
- шахснинг жамият ҳаётига мослашганлик даражаси ва ҳоказо[83, 17].

Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб қўйилган талаб ва кўрсаткичлар ўқувчи ҳақида етарли даражада ахборот тўплаш имконини бериши лозим.

Педагогик прогностика ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, шахсий сифатлари, кўникмалари, ихтисосликка оид билими ҳақидаги ахборотларнинг аниқлиги ҳамда валитлигини таъминлашни назарда тутиб, назоратнинг янгидан-янги, самарали усуллари таклиф қилишга эришиши талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини назорат қилишнинг янги ва мукамал технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш кўзда тутилади.

Ўқитиш тажрибасидаги ўқувчи фаолиятини назорат қилиш муаммоси дидактиканинг муҳим масалаларидандир. Бу, ўз навбатида, ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Назорат қилиш қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқувчи билимини баҳолаш муаммолари;
- баҳонинг таълим-тарбиявий моҳияти;
- баҳолашнинг кўпбалли тизими таърифи;
- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашга яқка тартибда ёндашув;
- билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаққонийлиги, мослиги ҳамда пухталигини таъминловчи шартларни аниқлаш.

Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган назоратни ўқувчиларнинг ўзаро бири-бири ва ўз-ўзини назорат қилиши, назорат натижалари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Автомат тарзда назорат қилиш турлари: машинали ва машинасиз автоматлаштирилган назоратни қўллаш тажрибаси, тест, рейтинг назоратидан амалиётда кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини объектив баҳолаш имконини беради, лекин бунинг учун кўп вариантли педагогик, психологик тестларни яратиш ва амалиётга тақдим этиш талаб этилади.

Истикболда таълим мазмунининг самарали моделларини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг шаклланиши, ривожланиш йўналишлари ва унинг бошқа таълим тизимларига таъсир назарий жиҳатдан ўрганилиши лозим.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

1. Таълим мазмунини прогноз қилиш эса шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш тараққиёти ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жамият ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларга бўлган талаблари, ижтимоий буюртманинг кўламини аниқлаган ҳолда, таълимнинг истиқболдаги мазмунини белгилаб беришни англатади.

2. Ўзбекистон Республикасида таълим стратегияси билан боғлиқ муаммоларни ечиш жараёнида ҳам педагогик прогностикадан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим жараёни, унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситалари, таълим натижаларининг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан илғашга асос бўла олади. Аниқ педагогик прогностикага таяниб, амалга ошириладиган тадқиқотлар асосидагина таълим жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида координал ислохотларни амалга ошириш мумкин.

3. Педагогик прогностика ўзи тадқиқ қилишга киришган муаммоларини ҳар томонлама батафсил ёритиши учун ижтимоий-психология, социология, антропология, одам анатомияси ва физиологияси, фалсафа, статистика каби фан соҳаларига таяниб иш кўради. Чунки педагогик прогностика ўз изланишларини амалга ошириш жараёнида худди шу фан соҳаларида аниқланган қонуниятлар, аксиома даражасига кўтарилган илмий ҳақиқатларга асосланади. Айниқса, янги моделлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда бунга қатъий амал қилинади.

### **II БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ**

### 1.3. Педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишда узвийлик ва узлуксизни таъминлаш

Педагогика коллежларининг 3410600 – Бошланғич таълим йўналиши, 3140900 – Жисмоний тарбия ва болалар сSPORTи, 3410602 – Мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналишлари ДТС 2010 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, тасдиқ учун тавсия этилган. Мазкур ДТСларининг касбий фанлар туркумида педагогика курсини ўқитиш кўзда тутилган.

ДТСнинг касбий фанлар туркумидаги педагогика фанида ўзлаштириши зарур бўлган 32та ўқув элементи кўрсатиб берилган:

1. Педагогиканинг умумий асослари.
2. Ўқитувчилик касби ва унинг ижтимоий моҳияти.
3. Ўқитувчи қобилияти ва уни шакллантириш йўллари.
4. Педагогика фани ва унинг тармоқлари.
5. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
6. Баркамол шахс тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
7. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.
8. Таълим назарияси – дидактиканинг моҳияти, вазифалари, таълим принциплари.
9. Таълим мазмуни: Умумий ўрта таълим ДТС.
10. Таълим методлари.
11. Таълимнинг ташкилий шакллари: дарс ва унга қўйиладиган талаблар. Дарс ўтказиш шартлари.
12. Дарс типлари ва уларни ташкил этиш.
13. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.
14. Уйга бериладиган ўқув топшириқлари.
15. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш тизими.
16. Тарбия назариясининг моҳияти.
17. Тарбия принциплари.
18. Тарбия методлари.
19. Ўқувчилар жамоаси ва унинг ўқувчи шахсига таъсири.
20. Ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш.
21. Ижтимоий-сиёсий тарбия ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш.
22. Баркамол шахснинг маънавий-ахлоқий тарбияси.
23. Ватанпарварлик туйғуси, ватанга муносиб фарзанд бўлиш;
24. Баркамол шахснинг эстетик тарбияси.
25. Баркамол шахснинг меҳнат тарбияси.
26. Баркамол шахснинг жисмоний тарбияси.

27. Баркамол шлахсга экологик тарбия бериш.
28. Баркамол шахсга иқтисодий тарбия бериш.
29. Тарбия таркибида болалар ва ёшлар ташкилотлари.
30. Шахснинг камол топиш тизимида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.
31. Бола тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ўрни.
32. Ўзбекистонда таълим тизимини бошқариш.

5140800 – педагогика ва психология бакалавриат йўналишининг ДТС 21.02.2002 йилда ЎЗРОЎМТВнинг 54-сонли буйруғи билан тасдиқланган. 2008 йилда янги ДТС лойиҳаси ишлаб чиқилган.

ДТСда педагогика курси бўйича бакалавр қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши белгилаб берилган:

1. Бакалавр: 1) педагогиканинг ижтимоий фан эканлиги; 2) педагогика фанининг методологияси; 3) педагогиканинг жамиятдаги ўрни; 4) таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, унинг узвийлиги, узлуксизлиги; 5) педагогика фанининг асосий ривожланиш босқичлари; ўтмиш ва замонавий педагогиканинг асосий йўналишлари; 6) илғор педагогик қарашлар; 7) жаҳон таълим тизими; 8) педагогиканинг мақсадига кўра турлари; 9) педагогик жараёндаги интеграциялар тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши зарур*.

2. Бакалавр: 1) педагог касбнинг ўзига хос хусусиятлари; 2) педагог шахси, унинг жамиятда тутган ўрни; 3) педагог фаолиятининг асосий йўналишлари; 4) касбий маҳорат тушунчаси; 5) педагог ва таълим соҳасидаги ахборот технологиялар; 6) XXI аср педагогига қўйиладиган асосий талаблар; 7) педагогиканинг тармоқлари; 8) ижтимоий педагогика умумий педагогиканинг таркибий қисми эканлиги; 9) ижтимоий педагогиканинг жамият ҳаётидаги аҳамияти; 10) ижтимоий педагогиканинг таълим ва тарбия жараёнидаги аҳамияти; 11) Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, кадрлар тайёрлаш миллий модели; 12) таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён; 13) таълим назарияси(дидактика)нинг асосий компонентлари: концепциялари, парадигмалари; 14) таълим принциплари; 15) таълим методлари, технологиялари; 16) таълим турлари ва босқичлари; 17) таълимни ташхис қилиш; 18) тарбия назариясининг моҳияти; 19) тарбиянинг мазмуни, принциплари; 20) тарбияда муҳит (социум), руҳият(психология); 21) тарбия методлари ва технологиялари; 22) махсус педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари; 23) тарбия турлари; 24) жамоада, оиладаги тарбия ҳамда ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари; 25) Ўзбекистон Республикаси таълим тизими; 26) таълимни бошқариш шакллари; 27) шахсга таълим ва тарбия бериш ғоясининг пайдо бўлиши; 28) таълим ва тарбия тўғрисида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари; 29) тарбия, мактаб ва педагогик фикрнинг таракқий этиш тарихи; 30) жаҳон педагогик жараёни; 31) Ўзбекистон Республикасида педагогика фанининг ривожланиши; 32) педагогик технология жараёни, уни лойиҳалаш; 33) педагогик технологияни таъминловчи жиҳозлар, воситалар; 34) технологик жараёнларнинг такомиллашиб

бориш тарихи; 35) ўқувчи шахси ва педагогик жараён; 36) педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари; 37) анъанавий таълим методлари ва технологиялари; 38) педагогик жараёни шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар: ҳамкорлик педагогикаси ва б.; 39) таълим оловчиларнинг фаолиятини жонлантирувчи педагогик технологиялар; 40) лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари; 41) модулли, интерактив, ўйинли ва бошқа технологиялар; 42) ривожлантирувчи таълим технологиялари; 43) педагогик фикр тарихида маҳорат масалалари; 44) педагогик қобилият, унинг турлари; 45) педагогнинг коммуникатив қобилияти, унинг воситалари; 46) педагогнинг мулоқот маданияти ва психологияси; 47) педагог ва таълим оловчи ўртасидаги мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари; 48) педагогик назокат ва одоб-ахлоқ меъёрлари; 49) педагогик техника ва уни шакллантириш усуллари; 50) таълим жараёнидаги педагогнинг маҳорати; 51) педагог маҳоратини такомиллаштириш шарт-шароитлари; 51) ижтимоий педагогиканинг тиббий-психологик асослари; 52) ижтимоий педагогиканинг маданий-тарихий, этнографик ва фалсафий негизлари; 53) социал ишлар методлари; 54) социал ишлар технологияси; 55) педагогик социология асослари; 56) педагогик коллективда муҳит, педагогнинг социал портрети; 57) вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ҳамда тарбияси оғир болалар билан ишлаш методикаси; 58) махсус педагогика асослари; 59) махсус педагогиканинг турлари, иш юритиш метод ва технологиялари; 60) тарбиявий ишларнинг мазмуни ва уни амалга ошириш методлари; 61) оила тарбиясининг асосий йўналишлари; 62) халқ педагогикасининг манбалари; 63) таълим муассасаларида, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ва маҳаллада тарбиявий ишларни олиб бориш метод ва технологиялари; 64) педагогика фанларини ўқитиш бўйича зарур бўлган барча ҳужжат ишлари; 65) таълим тизими менежменти асосларини **билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўлай олиши зарур.**

Мазкур ДТСда педагогика назарияси фанини ўқитиш кўзда тутилган бўлиб, қуйидаги ўқув элементлари белгилаб берилган: педагогика фани, унинг предмети, методологияси, илмий-тадқиқот объекти, методлари.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Узлуксиз таълим. Педагог кадр тавсифномаси. Педагогика фанининг мақсадига кўра тармоқлари, бошқа фанлар, шу жумладан фалсафа, психология фанлари билан алоқаси. Педагогик антропология. Шахс, таълим ва тарбия. Хорижий мамлакатлардаги тарбияга қисқача изоҳ. Ягона педагогик жараён. Дидактика – таълим назарияси. Дидактиканинг вазифалари. Таълимнинг ривожланиш йўналишлари (концепцияси): узлуксиз таълим концепцияси, технонологизация концепцияси, таълим парадигмалари.

Дидактик принциплар(гамойиллар). Ўқитиш жараёни, ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари. Таълимнинг психологик, физиологик асослари. Таълимда илмийлик, изчиллик, мувофиқлик, ижодийлик ва бошқа принциплар. Таълим жараёнида мотивация.

Таълим методлари, воситалари ва технологиялари. Умумий ва хусусий методлар. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга қаратилган метод ва технологиялар. Метод танлаш ва мотивация. Ўқув адабиётлари ва уларнинг турлари. Электрон ўқув адабиётлари.

Таълим турларининг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик технологиялар. Таълим шакллари. Таълимни ташхис этиш.

Тарбия назарияси. Тарбия жараёни, муҳити(социум), тарбия принциплари, тарбияга қўйиладиган талаблар. Тарбия метод ва технологиялари. Миллий тарбия масаласи. Тарбия турлари. Тарбия ва миллий ғоя. Тарбия ва маънавият. Оила тарбияси.

Педагогика коллежлари ДТСнинг педагогика курси ва олий таълим муассасасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши ДТСнинг педагогика курсининг таҳлил этиш асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1) Педагогика коллежлари ДТСнинг касбий фанлар туркумидаги педагогика фани ва олий таълим муассасасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши ДТСдаги умумкасбий фанлар блокадаги педагогика назарияси фанидаги ўқув элементлари орасидан дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назариясига доирларини қайтадан кўриб чиқиш зарур. Чунки умумийлик ва такрорланиш ҳолатлари аниқ кўзга ташланади. Масалан, таълим мазмуни, таълим тамойиллари, таълим методлари, тарбия жараёни моҳияти, тарбия турлари кабилар;

2) Педагогика коллежлари ДТСнинг педагогика курси ва олий таълим муассасасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши ДТСнинг педагогика курсини ҳамда педагогика коллежлари ДТСнинг касбий фанлар туркумидаги педагогика фани ва олий таълим муассасасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши ДТСдаги умумкасбий фанлар блокадаги педагогика назарияси фанининг мазмунини қайта ишлаб чиқиш лозим. Сўнгги фан ютуқларини, педагогика назарияси ва амалиётида эришилган натижаларни ўзида умуман акс эттирмайди;

3) Педагогика коллежлари ДТСнинг педагогика курсининг мазмуни жуда саёз очиб берилган бўлиб, юзакилик ва умумийликдан иборат. Фан аниқликни, фундаменталлик ва амалий йўналганликни талаб этади. ДТСнинг яратилиши тафаккур қонун, қонуният ва тамойилларига тўлиқ мос келмайди. Айниқса, фан методологиясининг синергетик, тизимли ва инновацион ёндашувларини ўзида акс эттирмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур;

4) Педагогика коллежлари ДТСнинг касбий фанлар туркумидаги педагогика фанига ажратилган 32та ўқув элементи алоҳида илмий таҳрирга муҳтож. Чунки тарбия турлари ҳар бирининг олдидан “баркамол шахснинг” жумласининг ишлатилишини ўйлаб кўриш керак. Чунки мазкур тарбия турларини тизимли амалга ошириш натижасида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш жараёни амалга ошади. Ёки 29-ўқув элементининг номланиши: “Тарбия таркибида болалар ва ёшлар ташкилотлари”. Мазкур элементнинг номланишининг ўзи илмийликка зид: “тарбия таркиби” деганда нима назарда тутиляпти?!;

5) Педагогика коллежлари ДТСнинг касбий фанлар туркумидаги педагогика фани ва олий таълим муассасасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши ДТСдаги умумкасбий фанлар блокадаги педагогика назарияси фанида педагогик жараён қонуниятлари алоҳида ўқув элементлари сифатида қайд этилмаган. Ахир, педагогик жараён қонун ва қонуниятларини билмасдан, қандай қилиб мазкур фанни ўзлаштириш мумкин?!;

6) Педагогика коллежлари ДТС тасдиққа тавсия этилган. Бироқ мазкур ДТС таянч олий таълим муассасаси ҳисобланган ТДПУнинг “Педагогика” кафедрасига муҳокама учун таклиф этилмаган ва ҳулоса олинмаган. Уни қандай қилиб, қайта-қайта кўриб чиқмасдан, тўғридан тўғри тасдиққа тавсия этиш мумкин?!

7) Педагогика коллежлари ва олий таълим муассасаларининг 5140800 – педагогика ва психология йўналиши бўйича мутахассис экспертлар (олим ва амалиётчи педагог) жалб этилиб, модернизациялашган ДТС ва ўқув дастурларини яратиш лозим.

## **2.2. Замонавий дидактик ёндашувлар асосида педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилиш**

Бугунги кунда амалга оширилаётган педагогик изланишларда асосий урғу шахс озодлиги ва инсонпарварлик гояларига қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам кўйилган талаблар билан таълимнинг ўзаро мос келишини таъминлаш лозим. Чунки таълим фақатгина бугунги кун талабларига мослашмаслиги, балки келажакни ўйлаб амалга оширилиши керак. Шунинг учун педагогика коллежлари ўқув дастурларида педагогик фаолиятни ташкил этишга доир билимлар фандаги назарий тушунчаларга асосланган ҳодца эмас, балки ўқувчиларнинг аниқ тажрибасига таянган ҳолда белгилаб берилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўқув дастурларида ўз аксини топмоқда. Ижтимоий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, муайян ўқув предметлари бўйича яратиладиган ўқув дастурлари такомиллаштирилмоқда. Ўқув дастурлари ва ўқув режаларидаги бундай таркибий ўзгаришлар таълим жараёнини ташкил этиш шакли сифатида намоён бўлмоқда. Бундай ўқув дастури ва ўқув режалари таълимнинг мазмунини ўзида ифодаламақда. Шунга кўра, ўқувчиларнинг тажрибаларини муайян тизимга солиш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Ўқувчининг ижтимоий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини тузиш керак. Чунки ўқув дастури бир томондан ўқитишнинг педагогик воситаси бўлиши, унда ўқувчи ҳамда ўқитувчининг фаолияти аниқланиши ва дастурлаштирилиши лозим. Бошқа томондан эса, улар таълим меъёрий моделининг элементи ҳисобланади. Бундай дастурлар ўқитувчи фаолиятининг йўналишлари ва шаклларини белгилаб беради. Таълим жараёнининг мазмунини лойиҳалаштириш, унинг чегараларини аниқлаш, таълим мазмуни муайян қисмларининг ўзлаштирилиши ҳамда натижалар, ютуқларни таъминловчи ҳолатлар таълим мақсадида ўз ифодасини топиши керак. Ўқув дастурини тузишда танланадиган асосий йўналиш

турли дастурлар орасидаги алоқадорликни аниқлаш, ўзлаштириладиган билимларни ўқувчининг тажрибасига йўналтириш умумкасбий фанлар ва ихтисослик фанлари учун муҳимдир. Бунинг учун турли босқичларда шаклландиган таълимнинг узок муддатли мақсадлари ўқув жараёнининг муайян қисмларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам умумий мақсаднинг аҳамияти таянч ёндашувларни ажратишда намоён бўлади. Шу билан бир каторда, ўқув дастурларининг қисмлари таълимий топшириқларни аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра, дастурларни яратишнинг уч тури аниқланмоқда. Булар: ахборотли-когнитив, ижтимоий-ролли, ўқувчининг ўқув жараёнидаги хатти-харакати, хулқ-атворини белгилаб берувчи дастурлар.

Таълим тизими учун характерли хусусиятлардан бири шундаки, ижтимоий-ролли турдаги ўқув дастурлари ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун қулай педагогик шароит яратишга йўналтирилади. Уларнинг аниқловчилари турлича бўлиши мумкин, бироқ асосий мақсад ўқувчининг ўзлашгаришига кўмаклашишдан иборатдир. Шунингдек, ўқувчининг инсоний, ижтимоий муносабатлар доирасида ролли нуқтаи назарни ўзлаштириши назарда тугалади. Бу ўқувчининг муайян соҳага оид билимларни ўзлаштиришига кўмаклашади. Бундай дастурлар ёрдамида инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўникмалар шакллантирилади. Ушбу кўникмалар ўқувчилар мақбул қарорлар қабул қилишлари учун ниҳоятда зарурдир. Бунинг учун ўрганиладиган таълим мазмуни муносабатлар ва нуқтаи назарларни ўзлаштириш воситаси сифатида намоён бўлади [82, 52].

Бугунга кунда таълим жараёнида ўқувчининг хатга-харакати ва хулқ-атворини тартибга солишга хизмат қиладиган ўқув дастурларини қўллаш ҳам истиқболли педагогик ҳодиса ҳисобланади. Бундай дастурлар ўқув мавзуларини имитацион (ўхшатиб) моделлаштиришга йўналтирилган бўлади. Бундай дастурларда кўзда тутиландиган асосий мақсад ва вазифалар ўқувчининг турли муаммоли вазиятларда қарорлар қабул қилишини таъминлашда ифодаланган бўлади. Улар муаммолар, вазиятларнинг модели, таълим мазмуни, машғулотларнинг сценарийсини ўзида ифодалаган бўлиб, ушбу вазиятларни ечиш учун муайян билимларни ўзлаштириш талаб этилади.

Таълим жараёнида ахборотли-когнитив йўналишга эга ўқув дастурларини қўллаш ҳам ўқувчи шахсини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу типдаги ўқув дастури ўқувчи билан ўқитувчи орасида диалогик мулоқот, ўқувчиларнинг ҳаётий вазиятларни ўзгартиришга қаратилган ўзаро муносабатга киритишларига имконият яратади. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўқитувчилар бундай мулоқот ва муносабатга киришишга етарлича тайёр эмаслар. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш эҳтиёжининг кучаяётганлиги туфайли ҳам мамлакатимиз таълим тизимида бундай дастурларни қўллаш зарурияти вужудга келмоқда.

Турли типдаги ўқув дастурларини лойиҳалашда модуллаштириш ва концентризм тамойиллари истиқболли тамойиллар сифатида эътироф этилиши мумкин. Ўқув дастурлари ҳар доим ўз таркибига модуллашган элементларни бирлаштиради. Ўқув дастурининг танланган турида муаллифларнинг ўқув жараёни ҳақидаги тасаввурлари асосида бойитиландиган таълим мазмуни,

Ўқув предметининг аниқ мақсади, ўқув жараёнининг тавсифи ўз ифодасини топади. Ҳар бир типдага ўқув дастури ўз модулининг хусусиятларига эга. Биз куйида педагогика коллежларида татбиқ этилаётган амаддаги таълим мазмунини ахборотли-когнитив ҳамда ижтимоий-аҳамиятлилик даражасига кўра ўзаро қиёслаган ҳолда тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим мазмуни ўқитишнинг вазиятли-кучайтирилган вазифаларини ҳал қилишга қаратилгандир. Бу типдаги топшириқлар тизими ўқувчиларда ўқув материалига қизиқиш уйғотади, мустақилликка ундайди ҳамда уларга ўқув майлларини ҳосил қилиш, эгалланган билимларни уйғунлаштириш имконини беради. Бундай топшириқлар ўқувчи шахси билан моддий борлиқ орасидага ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади. Бу эса ҳаёт тарзининг истиқболлилиги, ранг-баранглигини таъминлаб, макбул ечимларни излаш ҳамда ўз-ўзини шакллантиришга оид муҳим қарорлар қабул қилишга кўмаклашади Шу нуқтаи назардан қараганда дидактика мустақил билим олишнинг назарий асосларини ёритувчи илм соҳаси сифатида намоён бўлади.

Педагогика коллежлари таълим мазмунини модернизациялашнинг муҳим параметрларидан бири таълим мазмунини танлаш, ўқув предметининг асосий мазмунини структуралаштиришдан иборатдир. Таълим мазмунининг мақсадга мувофиқ тарзда танлаш учун уни танлаш муаммоларининг оптимал ечимларини топиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш, уни ўқувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш жараёни амалга оширилмоқда. Ҳозирги шароитда педагогика коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида куйидаги ғоялар етакчи ўрин тутуди:

- 1) инсонийлаштириш;
- 2) инсонпарварлаштириш;
- 3) интеграциялаштириш;
- 4) стандартлаштириш;
- 5) кўп босқичлиликлка асосланиш;
- 6) амалийлаштириш;
- 7) ахборотлаштириш;
- 8) индивидуаллаштириш;
- 9) узлуксизлик [66, 104].

Таълим мазмунини инсонийлаштириш таълим жараёнида ўқувчи шахсининг устувор ўрин тутиши, унинг шахси, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳурмат қилиш, биринчи навбатда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ҳаётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутуди. Инсонийлаштириш гуманитар ва табиий фанларни оптимал нисбатларда бўлиши, математик, биологик, техник курслар мазмунини инсонийлик ҳақидаги

билимлар билан бойитишни кўзда тутлади. Таълим мазмунида инсонпарварлик ғояларининг акс этиши ўқувчиларда фикрлаш лаёқатининг шаклланишига ёрдам беради.

Таълимни инсонийлаштириш бу таълим тизими ва бутун таълим жараёнини ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, педагоглар ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, шахсий кадр-қимматларининг ҳис этишларини таъминлаш ва шахсий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълимни инсонпарварлаштириш янги таянч ўқув режасининг иккинчи муҳим ғоясидир. Таълимни гуманитарлаштириш биринчи навбатда таянч ўқув режасида гуманитар фанлар ҳажмини оширишда ўз ифодасини топади (50 % дан кўпроқ). Бу хусусан эстетик тарбияни ташкил этишга ўқув вақтини икки баробар кўпайтиришга имкон беради. Гуманитарлаштириш – бу таълимнинг босқичи ва туридан қатъий назар асосий ижтимоий муаммо - инсон фаровонлиги муаммосини ҳал этишга имкон берувчи таълим мазмунини ўзлаштиришга йўналтиришдир.

Таълим янги мазмунини ишлаб чиқишнинг учинчи ғояси – таълимни дифференциялаштириш. Бу йўналиш мажбурий курслар билан бирга катта синфларда чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитиш, фанларни танлаш асосида олиб боришни кўзда тутлади. Синфда, синфлар ўртасида ҳамда турли ёшдаги ўқув гуруҳларида факультатив курсларни индивидуал, гуруҳли машғулотлар ҳамда қизиқишларига кўра тўғрақларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Дифференциялаш – бу замонавий шароитда таълимни ривожлантириш умумий йўналиши ҳисобланади. Республикада ўтган асрнинг 90-йилларида таълимни дифференциялаш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар (физика, химия, математика, чет тилларини чуқур ўрганиш билан) лицейлар, гимназиялар очилди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши таълим тизимини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб таълим дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди.

Курсларни интеграциялаштириш таълимнинг янги мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган яна бир ғоя ўқувчиларда, дунёни яхлит тасаввур қилиш лаёқатини ривожлантиришда умумлаштирувчи, дунёқарашни шакллантириш имконини берувчи интегратив фанларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Стандартлаштириш – бу мажбурий ўқув фанлари тўпламининг соатлари аниқ белгиланган ҳажмини белгилаш. Таълим стандартлари ёрдамида таълим муассасаларида ўқув ишларининг нормативлари мослаштирилади, ўқувчилар билимларини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилади.

Кўп босқичлилиқ – бу таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг имконият ва қизиқишлари даражасига жавоб бера оладиган билим даражасига эришиш имконини берувчи кўп

босқичли таълим жараёнини ташкил этишдан иборат. Турли босқичларнинг ҳар бирида ўқитишнинг яқуний ҳолати таълимнинг сифатли яқунланганлиги ҳисобланади.

Амалийлаштириш – шахс (ўқувчи)ни ижтимоий фаолиятига назарий билимларни пухта ўзлаштирган ҳолда уларни амалиётда фаол қўллаш олишга тайёрлаш. Яъни, шахсда мактаб таълими жараёнидаёқ ўрта махсус ёки олий таълим муассасалари таълим тизими, ўқув режаси, фанлар бўйича илмий-назарий билимларни чуқур ва тизимли ўзлаштира олишга имкон берувчи дастлабки кўникмаларни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади.

Таълимни ахборотлаштириш ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ҳисоблаш техникаси ва ахборот технологияларидан оммавий ва кенг фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Таълимни ахборотлаштириш охириги ўн йилликда кенг тарқалди, бунинг боиси шуки, замонавий видео-радиотехника ва компьютерларнинг таълим тизимида қўлланилиши мумкин бўлганлиги ҳамда фойдаланиш нисбатан оддийлигидир.

Индивидуаллаштириш таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамма турларидан фойдаланган ҳолда уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш демакдир.

Узлуксизлик жамият ҳаётининг тез ўзгариб бориши одамни доимий равишда таълим олиш (мустақил таълим олиш)га ундовчи жараён моҳиятини англатади [66, 104-106].

Педагогика колелжлари таълими мазмунини шакллантириш қуйидаги умумий тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши лозим:

1. Таълим мазмунининг барча элементлари барча босқичларда жамият, фан, маданият ва шахс ривожланиши талабларига мос бўлиши таъминли. Бу таъминли таълим мазмунига анъанавий бўлган билим, кўникма ва малакалар билан бирга жамиятнинг ривожланганлиги, илмий билим, маданий ҳаёт даражаси ва шахснинг ривожланиш имкониятларини акс эттирувчи фанларни киритишни талаб этади.

2. Таълимнинг ягона мазмунли ва процессуал томони таъминли. Бу таъминли таълим мазмунини танлашда бир томонлама илмий йўналишни рад этади. У аниқ бир ўқув жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ педагогик ҳақиқатни ҳисобга олишни кўзда туттади. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини лойиҳалаштиришда уни бериш ва ўзлаштириш таъминлилари ҳамда технологияси, ўзлаштириш даражаси ва у билан боғлиқ ҳаракатларни ҳисобга олиш кераклигини англатади.

3. Таълим мазмунининг яхлит тузилиши таъминли. Бу таъминли таълим тизимининг турли босқичларида назарий билимларнинг берилиши, ўқув фани, ўқув материали, педагогик фаолият, ўқувчи шахси каби ташкил этувчиларининг ўзаро мослигини кўзда туттади.

Охириги йилларда таълим мазмунини танлаш гуманитарлаштириш ва фундаменталлаштириш каби таъминлилар етакчи ўрин эгалламоқда. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим шахснинг инсонпарварлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлишини

англатади. Инсонпарварлик маданияти биринчи навбатда билим, ҳиссиётлар маданияти, муомала ва ижодий ҳаракатлар уйғунлигидир.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили. Бу тамойил биринчи навбатда ўқувчиларнинг умуминсоний ва миллий маданиятни фаол ижодий ва амалий ўзлаштиришлари учун шароитлар яратиш билан боғлиқдир. Бунинг учун гуманитар ғоялар умумий таълим мазмунига сингдирилиши керак. Бу эса ўз навбатида гуманитар ва табиий-илмий фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабатлари тамойилининг ўзгартирилишини талаб этади, унинг асосини шахсга эътибор қаратиш ташкил этиши зарур.

5. Таълим мазмунини фундаменталлаштириш тамойили таълимни гуманитарлаштиришдаги тўсиқларни йўқотишга имкон беради (анъанавий педагогикада уни илмийлик, тушунарлилик ва тарихийлик тамойили сифатида қаралади). У гуманитар ва табиий-илмий билимларни бирлаштириш, кетма-кетликни ўрнатиш ва фанлараро алоқаларни ўқувчиларнинг идрок этиш ва амалий фаолият методологияси моҳиятини англаб етишларига таянишни талаб этади.

6. Таълим мазмунининг кетма-кетлиги тамойили, бу тамойил таълим мазмунини ўсиб боровчи йўналишда режалаштиришдан иборат бўлишини англатади, бунда биринчи навбатда ҳар бир янги билим аввалгисига таянади ва ундан келиб чиқади.

7. Таълимнинг мазмуни мунтазамлиги тамойили, ушбу тамойил ўрганилаётган билимлар ва шакллантирилаётган малакаларни ягона тизимдаги ўрни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, барча ўқув курслари ва яхлит мазмуннинг бир-бирига ҳамда умуминсоний, миллий маданият тизимига кирувчи тизим сифатида кўришни кўзда тутади.

8. Таълим мазмунининг ўқувчилар ёшлари имкониятларига мослиги тамойили ўқувчиларнинг ёш даражаси ва тайёргарлигини кўзда тутади. Уларга ўзлаштириш учун у ёки бу билимлар ва малакалар тизими ўзлаштириш учун таклиф этилади [66, 106-107].

Ўқув материаллари ҳам таълим мазмунини танлаш тамойилларига таянилган ҳолда қуйидаги мезонлар асосида белгаланиши лозим:

1) мураккаблик даражасига кўра: бунда таълим мазмуни таркибига кирган бирликларнинг мураккаблик даражаси назарда тутилади, ўқувчиларнинг қийинчиликларни бартараф эта олиш кўникмалари ҳам ҳисобга олинади керак;

2) қийинчилик даражасига кўра: бунда муайян ёшдаги ўқувчилар гуруҳи ва айнан бир ўқувчи дуч келадиган қийинчиликлар кўзда тутилади;

3) таълим мазмунининг ҳажмига кўра: бу ўринда таълим мазмуни таркибига киритиладиган бирликлар ҳажми ҳисобга олинади [82, 54].

Таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ўқув жараёни мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Ўқув жараёни мазмуни мавжуд таркибининг бойлигига кўра умумий таълимий характер ҳамда кучли муаммоли ва кўп ҳадли қурилишга эга бўлиш керак.

2. Ўқув жараёни мазмуни келгусидаги касбий таълим учун қулай шароит яратиши лозим. Бу эса бугунги кундаги таълим мазмунининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бундай ёцдашув орқали ўқув жараёни ўқувчини ижгамоийлаштиришга йўналтирилади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳар бир ўқувчи ўзи эгаллаган билим ва тажрибалари ёрдамида ахборотларни танлайди ва уларни ўзлаштиради. Шунингдек, ўқувчи ўзлаштирган ахборотларини янги тушунчалари доирасига сингдириши керак;

- ўқув жараёни шундай ташкил этилиши керакки, ўқувчилар ўқитувчилар ёрдамида ўз мақсадлари ва ташаббусларини намоён қила олинлар;

- ўқувчиларда ўқув жараёнига онгли муносабатни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Таълим жараёнини режалаштиришда ўқувчиларнинг ижодий фаол фаолиягини йўлга қўйиш назарда тутилади.

3. Ўқув жараёнининг мазмуни бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта ўқитиш методлари ва технологияларини қўллаш учун имконият бериши керак.

4. Ўқув жараёнининг мазмуни долзарб ва қизиқарли бўлиши ҳамда ҳозирги кишилик жамяти учун зарур бўлган масалаларни қамраб олиши лозим.

Мураккаб даражадаги таълим мазмунини танлашда бир қатор мезонларга амал қилинади:

1. Таълим мазмунининг бирликлари, элементлари ўқувчиларни ўқиш, ўрганиш, уларни янги ахборотларни ўзлаштириш ва вазифаларни ечишга ундаши, бунинг натижасида уларда ижодий ўқиб-ўрганиш майллари ҳосил бўлиши таъминланади.

2. Таълим мазмуни шундай танланиш керакки, натижада ўқувчилар мустақил тарзда ўз фаразларини илгари сура олинлар. Бу эса, уларнинг эвристик таълим олишлари учун имконият яратади.

3. Таълим мазмуни элементлари атроф-олам, моддий борлиқнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлиши лозим. Бунинг натижасида ўқувчилар ўзлари эгаллаган билимлари ва шахсий тажрибаларини амалий фаолиятлари давомида қўллай олинлари керак.

Таълим мазмунининг кейинги мезони асосида ўқув материалларини танлашда турли иш усуллари ҳамда ўқув материалларига ишлов берилганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Масалан:

1. Мазмундаги турли-туманлик, мустақил фаолиятни ривожлантириш учун қулай имкониятнинг яратилганлиги, ўқувчиларнинг фикрлаш даражаси ҳамда турли муаммоларга ечим топиш объектив натижалар ва хулосаларта эришиш учун муҳимдир. Бунинг учун ўқувчи ўқув жараёнида жуда катга миқдордаги ахборотларни ўзлаштириши керак. Бу ахборотлар ўзида муайян муаммоларга оид турли нуқгаи назарлар, ёндашувлар ва қарашларни мужассамлаштирган бўлиши талаб этилади.

2. Ўқув жараёнида турли ўқув материаллари устида ишлаш, ранг-баранг усулларни қўллаш учун шароит яратилиши лозим. Шунингдек, алоҳида ўқув материалларини ўзлаштириш учун характерли бўлган тадқиқотчилик методларидан ҳам фойдаланиш талаб этилади.

3. Ўқув материалига дидактик ишлов берилганлиги, унинг қисқартирилган ҳолда ифодаланиши ҳамда илмий баёни турли типдаги ўқув тошшириқларининг тушунарлилигини таъминлайди. Шу билан бир қаторда ўқувчилар илмий мақола шаклидаги дидактик жихатдан ишлов берилмаган материаллар билан ҳам таништириладилар. Шунга кўра, таълим мазмунини танлашда қуйидаги параметрлар ажратилади: таълим мазмунининг ўқув жараёнига йўналтирилганлиги, ўқувчиларнинг амалий тажрибаси ва билимларига асосланганлиги, ўқув материалларини тушуниш ва эслаб қолишнинг барқарорлиги каби. Ўқув вазиятини структуралашда ўқувчилар муайян мазмундан келиб чиққан ҳолда билимларни эгаллаш, унинг ҳаёт билан боғланганлигини англаб етишга ўрганадилар. Ўқувчилар яхши баҳо олиш, тест тошшириқларини ечишга шунчаки интилмайдилар, балки уларнинг ўқув мақсадлари ички майллари орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам педагогика коллежларида ўқувчини узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган концентр типдаги ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун шахсга йўналтирилган кадрятли, муаммоли таълим ёрдамида ўқувчиларда шахсий жавобгарлик ва ўз-ўзини таниш хиссини қарор топтириш лозим. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини танлашда билиш жараёнини ташкил этиш муаммоси ҳақида ҳам фикр юритиши лозим.

Бугунги кунда таълим мазмунини танлашда ижтимоий, таълим соҳалараро ҳамда касбга йўналтириш парадигмаларини интеграллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам замонавий таълим мазмунини танлаш концепцияси кўп жихатдан ўқув предметлариаро интеграл ёндашув ҳамда ўқувчилар онгида дунёнинг яхлит манзарасини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва борлиқни идрок этиш имкониятларини кенгайтиради. Бугунги кунга келиб, предметли ўқитиш тизимидан воз кечиш, таълим мазмунини интеграциялаш ва унификациялаш имкониятлари изланмоқда. Чунки бугунги кунда ўқувчиларни интеграллашган таълим мазмуни асосида ўқитиш ниҳоятда самаралидир. Бунда нафақат ўқувчининг вақти ва кучи тежалани, балки ўқув воситаларининг таннархи ҳам арзонлашади.

Интеграл таълим мазмуни асосида ўқитиш ўқув жараёнининг барча босқичлари учун самарали бўлиб, амалиётда бир нечта интегратив ўқув курсларининг вужудга келишига асос бўлади. Интеграциялашган таълим мазмуни қуйидаги умумий мақсадларга эришишни таъминлайди:

- ўқувчиларнинг бир бутун яхлит тарзда ривожланиши ва моддий борлиқ, жамиятдаги ўз ўрнини англаб етиши;
- интеграллашган, ахборотлаштирилган ўқув материаллари ёрдамида ўқувчи шахси интеллектуал ривожланишининг таъминланиши;
- воқеалар ва далилларни баҳолашда эркинлик, муаммоли фикрлашнинг ривожланиши кабиларнинг таъминланиши;
- ўқувчиларда муқобил фикрлашнинг шакллашиши;

- ўқувчиларда шахсий майлларнинг намоён бўлиш;
- гуманитар ҳамда табиий-илмий таълим мазмуни орасидаги тафовутларнинг баргараф этилиши кабилар.

### **2.3. Педагогика фанидан блок-модулли ва фанлараро модулли дастурларни яратиш технологияси**

Модулли ўқитиш XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди ва инглиз тилли мамлакатларда тез тарқалди. Модулли ўқитиш назариясида модуль тушунчаси қандайдир бир тизимнинг аниқ функционал вазифасини бажарадиган (юқини кўтарадиган) мустақил бирор бир қисмини билдиради.

Педагогик тадқиқотларда модул тушунчасига қуйидагича таърифлар берилган:

Модул – юқори даражадаги яхлитлик тизимида ўқув мазмуни ва уни ўзлаштириш технологиясини бирлаштирувчи мақсадли функционал тармоқ [25, 45].

Модул – бу ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мажбурий тарзда назорат қилувчи ўқув материалининг мантиқий тугалланган қисми [89, 274].

Модул – бу билимларни назорат қилиш билан ҳамоҳанглашган, қандайдир мантиқий яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқув ахборотидаги мантиқий белгиланган қисм [91, 97].

Модул деганда, маълум ўқув предмети бўйича аниқ мақсадни кўзда тутиб, объектларнинг муҳим жиҳатларини мантиқан тугал ва мукамал ҳолда ёритувчи ўқув материалининг дидактик бирлигини тушунамиз [49, 13].

Модулли таълим – бу билимларни назорат қилиш билан ҳамоҳанглашган, қандайдир мантиқий яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқуа ахборотидаги мантиқий белгиланган қисм [89, 58].

Таълимий модул – унга тегишли методик материаллар билан биргаликдаги ўқув курсининг мазмунли қисми [85, 58].

Ўқув модули – ҳар бир ўқув топшириқларини бажариш вақти, назорат ва ҳисобга олиш усуллари, ўқув материаллари (параграф, мавзу, бўлим, фан, интеграллашган курс)ни ўрганиш бўйича кўрсатмалар. Кўпроқ оддий ва ўзига хос тарзда ўқув модули уни ўрганишнинг кўпроқ оқилона шакл ва методлари билан биргаликда одатий ўқув дастурлари мавзу(бўлим)ларини акс эттиради [73, 379].

Модулли ўқитишнинг моҳияти шундани иборатки, таълим олувчи (талаба) ўзига тақдим этилган индивидуал ўқув дастури асосида мустақил иш олиб боради. Бу ўқув дастурида ҳаракатларнинг режаси, ахборотлар блоги, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича методик

тавсияномалар бўлиши керак. Ўқитувчи бу шароитда назорат қилиши, маслаҳат бериш, ахборотларни ўзлаштириш бўйича ҳаракатларни мувафиқ-лаштириш вазифаларини бажаради.

Модулли ўқитишнинг умумий йўналиши, унинг мақсади, мазмуни ва ташкил этиш методикаси қўйидаги тамойилларига (П.А. Юцявичене бўйича) асосланади:

**1) модуллилик** – ўқитиш мазмунидан алоҳида элементларини бўлиб олиш;

**2) динамик (ўзгарувчанлик)** – билимнинг ҳаракатчанлиги (амалийлигига) ва тезкорлигига эришиш;

**3) мослашувчанлик** – таълим мазмунини ва унга эриши йўллари таълим олувчининг индивидуал эҳтиёжига қараб мослаштириш;

**4) методик маслаҳатнинг ҳар томонламаллиги** – таълим олувчининг билиш фаолиятида ва педагогик фаолиятда профессионалликни таъминлаш;

**5) тенглилик** – таълим олувчи ва педагог ўртасида ишчан ҳамкорликни таъминлаш.

Модулли ўқитиш бошқа ўқитиш тизимларидан (анъанавий, муаммоли, индивидуаллаштирилган, жадаллаштирилган, табақалаштирилган, дастурлашган, концентрлаштирилган) қўйидаги сифатлари билан фарқланади:

1. Ўқитиш мазмуни тугалланган мустақил комплексларда (информацион блокларда) акс этади. Таълим олувчи учун ўзлаштириш керак бўлган ўқув мазмунининг ҳажми ва уни ўзлаштириш даражаси дидактик мақсад қилиб белгиланади. Шунингдек, ҳар бир таълим олувчи қандай ҳаракатланиши, керакли ўқув материални қандай топиши ҳақида ўқитувчидан ёзма маслаҳат олади.

2. Ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасида мулоқат шакли ўзгариб, субъект-субъектга асосланган модул орқали мулоқатда бўлади.

3. Таълим олувчи максимал даражада мустақил ишлайди, ўзининг фаолиятини режалаштиришни ўрганади. Бу унга ўқув фаолиятида ўзини билишга, қай даражада билим эгаллаши кераклигини, билим ва малакаларидаги бўшлиқни аниқлашга имкон беради. Албатта, ўқитувчи ҳам унинг ўқиш-билиш фаолиятига бошчилик қилади, бу модул орқали анчайин енгил амалга оширилади.

4. Босмадан чиққан тайёр модулар ўқитувчига баъзи бир таълим олувчиларнинг ишини индивидуаллаштиришга имконият яратади. Индивидуал маслаҳат бериш, дозалаштирилган индивидуал ёрдам кўрсатиш муаммоси бўлмайди.

Модулли ўқитишнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар орасидан блок-модулли таълим анча кенг тарқалган, фанлараро модулли таълимга эса, айрим тадқиқотлардагина тўхталиб ўтилган. Қўйида биз модулли таълимнинг ана шу икки турига доир дастур яратиш технологиясини келтириб ўтамиз.

Модулли ўқитишга ўтиш учун, энг аввало, мақсадга эришишни таъминлайдиган комплексли дидактик мақсад ва модулар йиғиндисидан иборат модулли дастур ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун ўқитувчи курснинг асосий илмий ғояларини ажратиб олиши керак.

Масалан, педагогика курсида қўйидаги ғоялар ажратиб олинади: педагогика назарияси – педагогиканинг умумий масалалари, таълим назарияси, таълимнинг методик асослари, тарбия назарияси, тарбиянинг методик асослари, таълим менежменти, махсус (коррекцион) педагогика асослари. Кейин шу ғоялар асосида ўқув мазмунини муайян блокларда тузиб чиқиш керак. Бундан сўнг **комплекс дидактик мақсад** шаклланади. Мақсадга асосланиб ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади. Режада аниқ усуллар, ижодий ўйлаш, ўзини-ўзи назорат қилиш каби ўқув элементларини жамлаган модуллар яратилади. Ўқув элементларини билиш таълим олувчига махсус дидактик мақсадларни ҳам, автоном мақсадларни ҳам эгаллашига ёрдам беради.

Модуллارни уч типга бўлиб қарашади: 1) фан асосларини ўрганишда қўлланиладиган билиш модуллари; 2) фаолият усулларини шакллантирадиган ва ривожлантирадиган ҳаракат модуллари; 3) аралаш

Модулли ўқитиш принциплари асосланган ҳолда, ўзлаштириш учун материалларини шундай тузиш керакки, ҳар бир таълим олувчининг дидактик мақсадларга эришишини таъминласин. Ҳар бир модулнинг мазмуни тугалланган блокларда берилиши керак. Буларнинг барчаси модулли ўқитишни режалаштириш даврида аниқлаштирилиши лозим. Шундагина таълим олувчи ахборотларни пухта ўзлаштиради ва қўйилган дидактик мақсадга эришади. Шунингдек, модуль ахборотларнинг тугалланган блоги сифатида ўқув материални ўзлаштириш даражасига сифатли баҳо бера олади ва ўқитишнинг кейинги босқичига ўтишини хал қилади.

| Ўзлаштирилган билимларни муҳимлаштириш | Билимлар орасидаги алоқадорликни ҳосил қилиш | Ўқитиш мотивацияси                     |
|----------------------------------------|----------------------------------------------|----------------------------------------|
|                                        | Чизиқли дастурлаштирилган таълим             | Ҳаракатларнинг йўналганлик асоси       |
|                                        |                                              | Фаолиятни моддийлаштириш               |
|                                        |                                              | Ташқи нутқий фаолият                   |
|                                        |                                              | Ички нутқ асосида мавҳумлашган фаолият |
| Ихчамлаштириш асосида мавҳумлаштириш   |                                              |                                        |

### 2.3.1- расм. Модулли ўқитиш жараёнини бошқаришнинг умумлашган алгоритми

Ўқув материалларини алоҳида-алоҳида модулларга ажратишда қўйидагиларга эътибор бериш керак: **биринчидан**, ҳар бир модулнинг мазмунида барча материални ўзлаштириб олиш бўйича мақсад бўлишига; **иккинчидан**, модул бир ва бирнеча дидактик мақсадга эришишни таъминлашига; **учинчидан**, модуллар автоном бўлиши ва вақти-вақти билан янгиланиб, тўлдирилиб туришига; **тўртинчидан**, модуллар мазмуни ўйлаш мантиқига ва амалий фаолиятга бўйсинишига; **бешинчидан**, касбий-ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали мазмунини муаммоли тарзда берилишига.

Модулли ўқитишда таълим олувчиларнинг билим, малака, кўникмаси, қаятий равишда, назоратнинг **рейтинг тизимида баҳоланади.**

Модулли ўқитишни қўллаш орқали таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятлари кенгайди. Бу таълимнинг шахсга йўналтирилган технологияси асосида ўқитишини таъминлайди.

Педагогик циклдаги фанларни модулли ўқитишда ҳар бир модул 3-4 маъруза ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

| №  | Модулли ўқитиш дастурида бўлиши керак:                  |
|----|---------------------------------------------------------|
| 1. | Харакатларнинг режаси                                   |
| 2. | Ахборотлар блоки                                        |
| 3. | Ўқитиш натижаларига эришиш бўйича методик тавсияномалар |
| 4. | Назорат ишлари                                          |

### 3.2.2.- расм. Модулли ўқитиш дастурининг тузилиши

**Модулли ўқитишнинг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:**

1. Ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
2. Профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
3. Таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси;
4. Таълим олганлик даражасини назорат қилиш шакллари;
5. Ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар билан таъминланганлик даражаси;
6. Натижаларнинг таҳлили ва модулларни мувофиқлаштириш.

**Ҳар бир модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади:**

1. Ўқиш даврини тўлиқ қамраб олган модулли дастур;
2. Ҳар бир модул бўйича назарий материаллар (маъруза);
3. Ўқув-услубий тарқатма материаллар;
4. Ҳар бир модул бўйича индивидуал топшириқлар;
5. Ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
6. Ҳар бир модул бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар;
7. Ҳар бир модул бўйича назорат топшириқлари.

| №  | Ҳар бир модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади: |
|----|--------------------------------------------------------|
| 1. | Ўқиш даврени тўлиқ қамраб олган модулли дастур         |
| 2. | Ҳар бир модул бўйича назарий материаллар (маъруза)     |
| 3. | Ўқув-услубий тарқатма материаллар                      |
| 4. | Ҳар бир модул бўйича индивидуал топшириқлар            |
| 5. | Ўқув-илмий адабиётлар рўйхати                          |
| 6. | Ҳар бир модул бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар   |
| 7. | Ҳар бир модул бўйича назорат топшириқлари              |

### 2.3.33- расм. Модулли таълимнинг методик таъминоти

Қуйида ана шундай педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олиб, педагогика фанидан блок-модулли ўқитиш тизимини ишлаб чиқдик:

|                    |       |
|--------------------|-------|
| Аудитория соатлари | - 116 |
| Шундан: лекция     | - 74: |
| лаборатория        | - 36  |
| семинар            | - 20  |
| амалий машғулот    | - 18  |
| Мустақил таълим    | - 42  |

| Модулнинг № | Вақти | Модулнинг номи                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Модулга ажратилган соат                                                              | Адабиётлар рўйхати            | Мустақил бажарилган ишлари          |
|-------------|-------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|-------------------------------------|
| М.1         |       | <b>Педагогиканинг умумий масалалари</b> ( <i>Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги жамиятда педагогик касби ва унинг асосий вазифалари. Педагогика фан сифатида. Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви. Тарбия мақсади ва вазифалари.</i> ) | Маъруза – 8 с.<br>Семинар – 4 с.<br>Амалий машғулот – 2 с.<br>Мустақил таълим – 8 с. | 1,2,3,4,5,6 (ас); 1,3,6 (қўш) | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |
| М.2         |       | <b>Таълим назарияси</b> ( <i>Дидактика таълим назарияси сифатида. Таълим парадигмалари. Таълим жараяни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари. Ўрта махсус ва касб ҳунар таълими мазмуни</i> )                                                                                        | Маъруза – 6с.<br>Семинар – 2 с.<br>Амалий машғулот – 2 с.<br>Мустақил таълим – 6 с   | 1,2,3,4,5,6 (ас); 1,4,6 (қўш) | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |
| М.3         |       | <b>Таълимнинг методик асослари</b> ( <i>Таълим методлари ва воситалари Таълимни ташкил этиши</i> )                                                                                                                                                                                                | Маъруза – 6 с.<br>Семинар – 4 с.<br>Амалий машғулот – 4 с.                           | 1,2,3,4,5,6 (ас); 2,3 (қўш)   | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |

|     |  |                                                                                                                                                                                                                            |                                                                                      |                               |                                     |
|-----|--|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|-------------------------------------|
|     |  | <i>турлари ва шакллари. Дарс-таълимни таъкил этишининг асосий шакли сифатида. Таълимни таъхис этиши)</i>                                                                                                                   | Мустақил таълим – 6 с                                                                |                               |                                     |
| М.4 |  | <b>Тарбия назарияси</b> ( <i>Тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни, тарбия томоиллари. Ўқувчи-лар жамоаси-ягона педагогик жараённинг асосий шакли Тарбиянинг умумий методлари</i> )                                          | Маъруза – 6 с.<br>Амалий машғулот – 4 с.<br>Мустақил таълим – 6 с                    | 1,2,3,4,5,6 (ас); 4,5 (қўш)   | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |
| М.5 |  | <b>Тарбия турлари</b> ( <i>Илмий дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни ақлий тарбиялаш. Фуқоролик тарбияси. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва меҳнат тарбияси. Эстетик ва жисмоний тарбия. Оила тарбияси асослари.</i> ) | Маъруза – 6 с.<br>Семинар – 6 с.<br>Амалий машғулот – 2 с.<br>Мустақил таълим – 10 с | 1,2,3,4,5,6 (ас); 6,7 (қўш)   | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |
| М.6 |  | <b>Таълим менежменти</b> ( <i>Ўзбекистон Республикаси таълим тизими. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари. Таълим муассасаси менежменти</i> ).                                                          | Маъруза – 2 с.<br>Семинар – 2 с.<br>Амалий машғулот – 4 с.<br>Мустақил таълим – 4 с  | 1,2,3,4,5,6 (ас); 8,9 (қўш)   | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |
| М.7 |  | <b>Махсус (коррекцион) педагогика асослари.</b>                                                                                                                                                                            | Маъруза – 2 с.<br>Амалий машғулот – 2 с.<br>Мустақил таълим – 2 с                    | 1,2,3,4,5,6 (ас); 11,12 (қўш) | Адабиётлар билан ишлаш, луғат тузиш |

### 2.3.4-расм. Педагогика фанидан блок-модулли ўқитиш тизими

Фан бўйича фаолият ёндашуви таълимнинг фанли тизимида модул методологиясини қўллашни англатади. Бундай модулли ўқитиш технологиясини педагогика коллежларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясида модул ўзида куйидагиларни мужассамлаштиради:

- ўқув фанининг фундаментал тушунчалари - муайян ҳодиса, ёки қонун ёки бўлим, ёки йирик бир мавзу, ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи

- ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга (ўзлаштиришга) қаратилган.

Одатда модул - 3-6 соатли маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Фаннинг тушунтирув аппаратини қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили асосида, энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш, материални мантиқан ва компакт гуруҳлаш имкониятини беради. Модул - мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида ўқувчиларга фанни тўлалигича эмас, балки фақатгина бир қатор модулларни тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли ўқувчиларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режалаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда ўқувчиларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарурий шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модул тизимида ўтиш самарадорлиги, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материалларни ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни мақбуллаштириш.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилади:

ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар гуруҳи аниқланади, яъни бутун ўқув режаси алоҳида макромодуллар тўплами сифатида қаралади (2.3.5-расм).

Кўпчилик ҳолларда қуйидаги уч турдаги макромодуллар тузилиши мумкин:

- а) гуманитар фанларни ўз ичига оладиган;
- б) иқтисодий фанларни ўз ичига оладиган;
- в) умумтаълим, умумтехник умумкасбий ва ихтисослик фанларни фанларни ўз ичига оладиган.


Ҳар қайси макромодулнинг мутахассисни шакллантиришда, ўз мақсад ва вазифаси бўлади. Маълум макромодулни ўрганиш мақсади, унга кирадиган фанларнинг ўрганиш мақсадларидан келиб чиқади.

Ҳар қайси макромодулнинг ўрганилиш мақсадлари тўплами, Давлат таълим стандартларида акс эттирилган, мутахассис тайёрлашнинг бош мақсадини ташкил этади. Ҳар қайси макромодулнинг мақсади аниқ тузилган бўлиб, биринчи фани ўрганила бошлаганида, ўқувчиларга етказилиши лозим. Макромодулнинг ҳар бир кейинги фани ўрганила бошланганида, у фаннинг ўрганиш мақсадлари талабалар эътиборига етказилади:

– ҳар қайси макромодул ичида, ўрганиладиган фанларнинг мақбул кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш муддатлари ўрнатилади. Яъни ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаб, фанларнинг ўрганилиш муддатларини ва шу орқали макромодулни ўрганилиш муддатларини қисқартиришга эришиш зарур. Ўқув соатлари ҳажми катта бўлмаган (ҳафтада 1-2, айрим ҳолларда 3 соатли аудитория машғулоти) фанлар, блок фанлар рўйхатига киритилиши, мақсадга мувофиқ бўлади ва улар ўқув семестрнинг биринчи еки иккинчи ярмида ўтилиши мумкин.

Макромодуллар вертикал яқин ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олиш асосида тузилади, аммо уларни ўрганилиш муддатларини ўрнатишда макромодуллар орасидаги горизонтал боғланишлар ҳисобга олинishi лозим.

– ўқув материалнинг такрорланишини олдини олиш мақсадида, макромодулга кирувчи фанларнинг, ўқув дастурларини ўзаро боғлиқлиги таъминланади.



2.3.5-расм. Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясининг схемаси

Фаннинг ишчи ўқув дастури, алоҳида мавзуларини модулда гуруҳланиши ҳисобидан қайтадан кўриб чиқилади. Ҳар қайси модул учун назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган мақсадлар тузилиши зарур.

Модул ўз ичига 2-3 маъруза ва шу маърузалар билан боғлиқ амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб олиши мумкин. Ҳар қайси модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади:

- ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тестлар;
- индивидуал ишлар учун топшириқлар;
- мустақил ишлар учун топшириқлар;
- ўқув-услубий тарқатма материаллар;
- ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
- ишчи ўқув дастур[9].

Ҳар бир модул тест-синовлари билан тугалланиши лозим: жорий модул учун бу ўтилган материални назорати бўлса, кейинги модул учун эса бу кириш (бошланғич) назорати бўлади. Ҳар қайси модул учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўплами тузилади ва улар ўқувчига машғулотдан олдин берилади. Модул, тавсия қилинадиган кўргазма материаллар ва адабиётлар тўплами билан таъминланади, ҳар бир материалларни ўзлаштира бориб, бир модулдан иккинчи модулга ўтади. Иқтидорли ўқувчилар бошқаларга боғлиқ бўлмасдан тест синовларидан ўтишлари мумкин. Педагогнинг вазифаси ахборотчи-назоратчидан бошлаб, маслаҳатчи-мувофиқлаштирувчигача ўзгариши мумкин. Охиргиси, яъни педагогнинг маслаҳатчи-мувофиқлаштирувчи вазифаси, ўқитиш ўргатувчи модуллар асосида амалга оширилганида, намоён бўлади.

Ўргатувчи модул – ўқитишнинг муайян модул бирлиги бўйича мазмуни, ўқувчининг ўқув ҳаракатларини бошқариш тизими, муайян мазмун бўйича билимлар назорати тизими ва услубий ишланмалар мазмунидан иборатдир.

Ўргатувчи модулларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараёндир, у кўп вақт сарфини ва жуда кўп сонли услубий тажрибаларни умумлаштиришни талаб этади. Аммо уларни амалиётда қўллаш, ўқитишни жуда юқори самарадорлигини таъминлайди.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган ахборотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Модулнинг амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилади, улар

маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Ўқувчилар амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Маърузалар матнини тайёрлашда, структуралаш ва тизимлаш усуллари кўллаб, материаллари блок-схема, расмлар блоки кўринишида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда материалнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошади, чунки:

- модулнинг пировард мақсади тушуниб етилади;
- ўқув материалининг элементлари орасидаги боғланишлар ва ўтишлар яққол кўрсатилади;
- асосий жиҳатлари ажратиб кўрсатилади;
- ўқув материалининг (модулнинг) бутун ҳажми, ўқувчининг кўз олдида яққол

гавдаланади.

Модул, тизимида ўқув материалининг мазмунини структуралашда энг аввало ахборотни «сиқиш» вазифаси кўзланади. Билимларни тўла, фойдаланиш учун қулай ҳолда тақдим этилишига ҳаракат қилиш лозим.

Модулли таълим услубиётида, бу ҳолат асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар қайси модул бўйича расмлар блокларида символли аломатларни (саволлар қўйилиши тарзида) жойлаштириш, саволларни расм тарзида тасвир этиш, формулалар, жадваллар, графиклар ва услубий кўрсатмаларни тақдим этиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, расмлар блоки, блок-схемалар ва бошқа кургазмали материаллар талабалар учун тарқатма материал вазифасини ўташи мумкин. Шу билан бирга ҳар бир фан, жумладан, модул бўйича атамаларнинг изоҳли луғати тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Модулли ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш тавсия этилади: ақлий ҳужум, муаммоли мунозара, эвристик (савол-жавобли) суҳбат, ўқув ишбилармонлик ўйинлари ва ҳоказо.

Шундай қилиб, модулли ўқитишга ўтиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

I босқич: Ўқув режадаги фанларни макромодуллarga ажратиш.

II босқич: Ўқитиш даври сиқилганида, фанларни ўрганишнинг энг мақбул кетма-кетлигини ўрнатиш.

III босқич: Макромодул фанлари ўқув дастурларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

IV босқич: Фанларнинг модуллари шакллантириш.

V босқич: Модулнинг ўқув-кўргазмали материални ишлаб чиқиш

VI босқич: Модулли ўқитиш тамойиллари асосида ўқитиш технологиясини лойиҳалаш.

VII босқич: Бир вақтнинг ўзида ўрганиладиган фанларнинг мақбул сонини эътиборга олиб, машғулотлар жадвалини тузиш.

Ўқув жараёнининг ташкил этилишини, модулли ўқитиш тизимининг таркибий қисми сифатида қараш мумкин.

Ўқитишнинг модулли тизими хусусиятларидан бири ўқув жараёнини жадаллаштириш ҳисобланади, ушбунини икки аспектда талқин этиш мумкин.

– ўқитиш жараёнида модулли ўқитиш тамойиллари асосида ўқув ахборотини “сиқиш”;

– ўқитиш даврини “сиқиш” йўли билан ўқув графигини ва унинг асосида машғулотлар жадвалини мақбуллаштириш.

Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш шакли бу машғулотларни ҳафталик модулли режалаштириш ва талабалар билимини рейтинг баҳолаш ҳисобланади. Яъни, битта модул (2-3 маъруза ва уларга тегишли амалий ва лаборатория ишлари) бир ҳафтага режалаштирилиши ва у талабалар билимининг тестлар ёки бошқа назорат тури ёрдамида баҳоланиши билан тугалланиши зарур.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади:

- фанлар, фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёни барча турларининг услубий жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;
- ўқувчилар билимини мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- ўқувчиларнинг зудлик билан қобилиятига кўра, табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим ўқувчиларга фанни индивидуал ўзлаштиришни тавсия этиши мумкин);
- информацияни “сиқиб” бериш натижасида, ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни -

оптималлаштириш. Бунинг натижасида, ўқувчи етарли билимларга ҳам, кўникмага ҳам, малакага ҳам эга бўлади[9].

Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси ҳар қайси модул учун ишлаб чиқилган педагогик-технологик хариталар орқали рўёбга чиқарилади (2.3.1-жадвал).

Шундай қилиб модулни ўқитишдан фойдаланиб юқори малакали мутахассисни тайёрлаш, куйидагилар асосида таъминланади:

- ўқитишнинг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);
- ўқитишни жадаллаштириш бунинг натижасида ахборотнинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади;
- ўқишни индивидуаллаштириш (ўқувчи ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

Ўқув мажмуавий модулли ишланма интеграллашган касбий таълим олишда талабага максимал имкониятларни яратиб бериш, унинг тез ўзгарувчан ишлаб чиқариш соҳаларига эркин ўта олиши, маданиятга кириш ва муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаш зарурияти билан боғлиқ замонавий интеграциялашув анъаналарига жавоб беради.

Айниқса, ижтимоий ҳаёт, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида жадал ривожланиб боровчи интеграцион жараёнлар тор доирада ихтисослашув ҳамда уларнинг ўсиб бориши ва бирлашуви асосида билим соҳаларининг бўлиниши билан боғлиқликда касбий таълимни қайта йўналтиришни талаб этади. Интеграцияни амалга ошириш натижасида:

- мутахассиснинг турли касб соҳалари ва у билан яқин фаолиятда ўз-ўзини аниқлаш ва ўз-ўзини амалга ошириш таъминланади;
- дунё ва меҳнат соҳасининг яхлит манзарасини шакллантириш учун шароит яратилади;
- улардаги барча ўзаро алоқадор ҳодисаларни қамраб олишга имкон берувчи тизимли касбий фикрлаш ривожланади;
- шахснинг яхлит – ижтимоий, жисмоний, маънавий, интеллектуал ривожланиши таъминланади;
- таълимнинг амалий фаолият, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланади;
- талабаларга ортикча юк тушиши муаммосини ҳал этилади.

Алоҳида курслар доирасида интеграциялашув тавсифга кўра машғулотлар турлича бўлиши мумкин: ўхшаш фанларни бирлаштиришга асосланган интеграция (ихтисослашган фанлар); турли соҳалар (фан, техника, санъат)даги билимларнинг интеграциялашуви; махсус фанларнинг назарий ва амалий курсларини бирлаштиришга асосланган интеграция.

Педагогик адабиётлар интеграциянинг куйидаги усуллари ажратиб кўрсатилади:

- фанлараро – асосий фанларни ўрганишда турли бошқа фанлардаги билимлар қамраб олинади;
- мувофиқлик – курсни ўқитишда профессор-ўқитувчи ўзи амалга ошираётган курсни касбий фаолият мантиқий бирлигида кўриб, билимларнинг бошқа соҳаларига таянади;
- бир нечта фанларни биттага комбинациялаш, яъни ҳам бирор ҳодисани бир пайтнинг ўзида турли жиҳатларини кўриб чиқиш, худди шундай мазкур ҳодисани босқичма-босқич (дастлаб бир фанни, кейин бошқасини) кўриб чиқиш воситаси сифатида амалга ошириш мумкин. Натижада курс ёки машғулотни 2-3 профессор-ўқитувчи ўтказди;
- фанлараро ўқув ва ишлаб чиқариш муаммоларини кўндаланг қўйиш ва турли фанлардаги маълумотларни жалб этиш воситасида уларни ҳал этиш йўллари излаш[8].

Интеграция кўп даражали касбий таълимни амалга оширишнинг муҳим шартини акс эттиради. Шунинг учун мазкур ёндашув касбий таълимнинг бутун тизими учун тегишлидир ва касбий тайёргарликнинг барча босқичлари мазмунини мувофиқлаштириш ва узлуксизлаштириш асосида узлуксиз касбий таълимнинг интеграллашган дастурларини яратишни талаб этади.

В.А.Тройнев ва И.В.Тройневларнинг фикрича, интеграция – яхлитликда алоҳида табақалашган қисмларнинг алоқадорлик ҳолатини англатувчи тушунча ва мазкур ҳолатга олиб келувчи жараён ҳамдир. Унга модулли ташкил этиш тамойили ва ўқув модули сифатида таъриф берилади: модулли ташкил этиш тамойили – функционал яқунланадиган блокларга тизимнинг тартибли жойлашуви, мустақил модел-занжирлар шаклида конструктив бажарилиши; ўқув модели – курснинг қисми, методик қайта ишланган ва ўқувчиларга мустақил ўқиш учун таклиф этилган ўқув материалларининг йирик блоки.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида модулли ўқитиш кенг қўлланилади. Модул деганда, бирор тизимнинг функционал юкламасини аниқлашга доир мустақил қисмига тегишлилик тушунилади. Назарий таълимда эса, модул – бу бўлажак

мутахассиснинг у ёки бу касбий билимларга доир кўникмаларини шакллантириш учун етарли ахборот ёки ҳаракатларнинг аниқ белгиланган “доза”си. Юқорида баён этилганларга асосланиб, “Педагогик технология” ўқув қўлланмасида модул тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: таълимий модул – бу ўзлаштириш таълим оловчи мазкур модулларни эгаллаши натижасида шакллантириладиган билим, кўникма ва малакаларнинг назорат қилиш шакли билан мувофиқликда тугаши зарур бўлган, ўзида билишга доир ва касбий жиҳатларни очиб берувчи ўқув фанининг бирор қисми мазмунининг мантиқий тугалланган шакли.

Модул билишга доир ва касбий тавсифдан иборат бўлади. Ана шунга боғлиқ ҳолда модулнинг билишга доир (ахборий) ва ўқув-касбий (фаолиятли) қисмлари ҳақида гапириш мумкин. Биринчисининг вазифаси – назарий билимларни шакллантириш бўлса, иккинчисининг вазифаси – эгалланган билимлар асосида касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Блокнинг билишга йўналтирилган таркиби ўз навбатида таълимий ва ўқув-касбий қисмларга ажратилган. Билишга йўналтирилган қисм:

- интерфаол, изланувчан, муаммоли технологияларни қўллаш;
- тушунчаларни босқичма-босқич ўрнатиш;
- мустақил изланиш, шахсий тажрибага мурожаат этиш, тафаккурни ривожлантириш, шахсий фикрларни баён қилишга ундовчи топшириқлар бериш;
- талабалар ўқув фаолиятининг турли ноанъанавий турлари, тегишли фаннинг асосий тушунчаларига таъриф бериш; хилма-хил назариялар, ғоялар, талқинларни қиёслаш; адабиётлардаги маълумотлар билан шахсий билимларни умумлаштиришга асосланган эвристик шаклдаги семинар машғулотларини ўз ичига олади.

Таълимий қисм талабаларга ўқув материалларини ўрганиш метод ва усулларини кўрсатувчи қуйидаги топшириқларни ўз ичига олади:

1. Шахсий ҳаётий тажриба ва ўқиб ўрганилганларни ёдга олиш (эсга тушуриш).
2. Уларга таяниб ўрганилаётган масала бўйича шахсий фикр (таъриф, изоҳ)ни аниқлаштириш.
3. Мавзу юзасидан мавжуд турли нуктаи назарларни таққослаш;
4. Янги маълумотларни билиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида шахсий фикр(таъриф, ғоя, ёндашув)ни шакллантириш.
5. Янги ахборотларнинг бутун тўпламидан ўзи учун зарурларини ажрата олиш.
6. Янги атамалар, уларнинг маъноси билан танишиш, уларни ёзиб олиш ва хотирада мустаҳкамлаш, аввалдан маълум бўлган атамаларнинг мазмунини

аниқлаштириш.

7. Семинар ва амалий машғулотларга тегишли адабиётлар билан танишган ҳолда, кийин ва тушунарсиз жойларни аниқлаштириб олиб, ўқитувчига бериладиган саволларни, энг мураккаб ва қизиқ масалаларни аввалдан белгилаб олган ҳолда келиш.

Ўқув-касбий қисм. Бу қисмга рефлексив ва амалий-фаолиятнинг шакл ва методлари – сўровномалар, “Ўз-ўзини таҳлил қилиш харитаси” билан ишлаш, педагогик вазиятларни ечиш, матнлар устида ишлаш, ўқитувчининг турли хил профессиограммалари орасидан маъқул бўлган бандларни танлаш кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, модул ишланмаларда: 1) модулдаги тегишли блокнинг; 2) ўқитувчи фаолиятининг; 3) талабалар фаолиятининг мақсадлари алоҳида кўрсатиб берилади.

Фанлараро модулли таълим тизими маданий, ижтимоий ва касбий унсурларнинг ўзаро алоқаси хилма-хил турдаги, мослашувчан педагогик воситаларнинг қўлланиши, ўқувчиларнинг маданий кадриятларни педагогик кадриятлар билан уйғунликда ўзлаштириши, педагогиканинг маданият таркибидаги ва аксинча педагогик фаолиятда маданиятнинг ўрнини англашиш ҳисобига эришилади. Ушбу вазифаларни ҳал этишга:

- муаммоли топшириқ ва саволларнинг қўлланиши;
- педагогик воқеликда (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасасаларида) учрайдиган воқеа-ҳодисаларнинг таҳлил этилиши;
- тарбиячиларни тайёрлашда миллий ва жаҳон маданиятининг аҳамиятини кўрсатиб берилиши;
- амалий машғулотларнинг турли шаклларда (фикр алмашинуви, иллюстрация, рефлексия, “интеллектуаллар учрашуви”) ўтказилиши – бадий асарлар матнлари билан ишланиши топшириқларнинг мураккаблик даражасига кўра табақалаштирилиши ёрдам берди[91].

Ахборий модуллар сифатида ҳам яхлит фанни, худди шунингдек, фаннинг бир нечта бўлимлари, махсус курслар, факультатив машғулотларни олиш мумкин. Фаолиятли модуллар лабораторияли практикумлар ва лаборатория ишлари, махсус практикумлар, технологик ва педагогик амалиёт, курс ва битирув малакавий ишларини амалга оширишга имкон беради.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Педагогика коллежлари ДТСнинг педагогика курсининг мазмуни жуда саёз очиб берилган бўлиб, юзакилик ва умумийликдан иборат. Фан аниқликни, фундаменталлик ва амалий йўналганликни талаб этади. ДТСнинг яратилиши тафаккур қонун, қонуният ва тамойилларига тўлиқ мос келмайди. Айниқса, фан методологиясининг синергетик, тизимли ва инновацион ёндашувларини ўзида акс эттирмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

2. Таълим жараёнининг мазмунини лойиҳалаштириш, унинг чегараларини аниқлаш, таълим мазмуни муайян қисмларининг ўзлаштирилиши ҳамда натижалар, ютуқларни таъминловчи ҳолатлар таълим мақсадида ўз ифодасини топиши керак. Бунинг учун турли босқичларда шаклланадиган таълимнинг узоқ муддатли мақсадлари ўқув жараёнининг муайян қисмларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам умумий мақсаднинг аҳамияти таянч ёндашувларни ажратишда намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, ўқув дастурларининг қисмлари таълимий топшириқларни аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра, дастурларни яратишнинг уч тури аниқланмоқда. Булар: ахборотли-когнитив, ижтимоий-ролли, ўқувчининг ўқув жараёнидаги хатти-ҳаракати, хулқ-атворини белгилаб берувчи дастурлар.

3. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунини шахс, давлат, жамият, фан, шплав чиқариш талабларига мослаштириш, уни ўқувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш жараёни амалга оширилмоқда. Ҳозирги шароитда педагогика коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутди: 1) инсонийлаштириш; 2) инсонпарварлаштириш; 3) интеграциялаштириш; 4) стандартлаштириш; 5) кўп босқичлилиқка асосланиш; 6) амалийлаштириш; 7) ахборотлаштириш; 8) индивидуаллаштириш; 9) узлуксизлик.

4. Модулли ўқитишга ўтиш учун, энг аввало, мақсадга эришишни таъминлайдиган комплексли дидактик мақсад ва модулар йиғиндисидан иборат модулли дастур ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун ўқитувчи курснинг асосий илмий ғояларини ажратиб олиши керак.

5. Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган ахборотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модулнинг амалий ва лаборатория машғулоти маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Ўқувчилар амалий кўникмаларга эга бўладилар.

### Умумий хулоса ва тавсиялар

1. Таълим мазмунини прогноз қилиш эса шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш тараққиёти ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жамият ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларга бўлган талаблари, ижтимоий буюртманинг кўламини аниқлаган ҳолда, таълимнинг истиқболдаги мазмунини белгилаб беришни англатади.

2. Ўзбекистон Республикасида таълим стратегияси билан боғлиқ муаммоларни ечиш жараёнида ҳам педагогик прогностикадан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим жараёни, унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситалари, таълим натижаларининг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан илғашга асос бўла олади. Аниқ педагогик прогностикага таяниб, амалга ошириладиган тадқиқотлар асосидагина таълим жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида координал ислохотларни амалга ошириш мумкин.

3. Педагогик прогностика ўзи тадқиқ қилишга киришган муаммоларини ҳар томонлама батафсил ёритиши учун ижтимоий-психология, социология, антропология, одам анатомияси ва физиологияси, фалсафа, статистика каби фан соҳаларига таяниб иш кўради. Чунки педагогик прогностика ўз изланишларини амалга ошириш жараёнида худди шу фан соҳаларида аниқланган қонуниятлар, аксиома даражасига кўтарилган илмий ҳақиқатларга асосланади. Айниқса, янги моделлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда бунга қатъий амал қилинади.

4. Педагогика коллежлари ДТСнинг педагогика курсининг мазмуни жуда саёз очиб берилган бўлиб, юзакилик ва умумийликдан иборат. Фан аниқликни, фундаменталлик ва амалий йўналганликни талаб этади. ДТСнинг яратилиши тафаккур қонун, қонуният ва тамойилларига тўлиқ мос келмайди. Айниқса, фан методологиясининг синергетик, тизимли ва инновацион ёндашувларини ўзида акс эттирмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

5. Таълим жараёнининг мазмунини лойиҳалаштириш, унинг чегараларини аниқлаш, таълим мазмуни муайян қисмларининг ўзлаштирилиши ҳамда натижалар, ютуқларни таъминловчи ҳолатлар таълим мақсадида ўз ифодасини топиши керак. Бунинг учун турли босқичларда шаклландиган таълимнинг узоқ муддатли мақсадлари ўқув жараёнининг муайян қисмларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам умумий мақсаднинг аҳамияти таянч ёндашувларни ажратишда намоён бўлади. Шу билан бир

каторда, ўқув дастурларининг қисмлари таълимий топшириқларни аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра, дастурларни яратишнинг уч тури аниқланмоқда. Булар: ахборотли-когнитив, ижтимоий-ролли, ўқувчининг ўқув жараёнидаги хатти-ҳаракати, хулқ-атворини белгилаб берувчи дастурлар.

6. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини шахс, давлат, жамият, фан, шплаб чиқариш талабларига мослаштириш, уни ўқувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш жараёни амалга оширилмоқда. Ҳозирги шароитда педагогика коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутди: 1) инсонийлаштириш; 2) инсонпарварлаштириш; 3) интеграциялаштириш; 4) стандартлаштириш; 5) кўп босқичликка асосланиш; 6) амалийлаштириш; 7) ахборотлаштириш; 9) индивидуаллаштириш; 9) узлуксизлик.

7. Модулли ўқитишга ўтиш учун, энг аввало, мақсадга эришишни таъминлайдиган комплексли дидактик мақсад ва модуллар йиғиндисидан иборат модулли дастур ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун ўқитувчи курснинг асосий илмий ғояларини ажратиб олиши керак.

8. Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган ахборотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Модулнинг амалий ва лаборатория машғулотилари маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Ўқувчилар амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишга доир қуйидаги методик тавсияларни ишлаб чиқдик:

1) педагогика коллежлари таълим мазмунини прогностика қилишда замонавий дидактик ёндашувларни ҳисобга олиш;

2) педагогика коллежлари таълим мазмунини педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумқасбий фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

3) педагогика коллежлари ўқув дастурларини яратишда модулли таълим имкониятларини ҳисобга олиш;

4) блок-модулли ва фанлараро модулли таълим дастурларини тузишда илғор тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 174 б.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – 31-61-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 214 б.
6. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 63 б.
7. Авлиякулов Н.Х. Замоनावий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2001. – 68 с.
8. Авлиякулов Н.Х. Практические основы модульной системы обучения и педагогической технологии. Ўқув қўлланма – Бухара: 2001. - 99 с.
9. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Касб-хунар коллежларида касбий фанларнинг модулли ўқитиш технологиялари. Ўқув методик қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди, - 2003. – 88 с.
10. Ажибаева А.Ж. Реализация личностно-ориентированного подхода в профессиональном воспитании будущего учителя: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Бишкек, 2007. – 23 с.
11. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.
12. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: ТГПУ, 2003. – 192 с.
13. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: Молия, 2002.
14. Батышова С.Я., Шапаринский С.А. Основы профессиональной педагогики. – М.: Высшая школа, 1977. – 504 с.

15. Белоухин Д.А. Основы личностно-ориентированной педагогики. -М.: Воронеж, 1997. – 92 с.
16. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М: Наука, 1989. – 192 с.
17. Бондаревская Е.В. Гуманитарная парадигма личностно-ориентированного образования // Педагогика. – 1997. - №4. – С.11-14.
18. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульная технология в профессиональном образовании: Учебное пособие. - Екатеринбург.: УГППУ, 1998. – 27 с.
19. Гершунский Б.С. Философия образования XXI века (В поисках практико-ориентированных образовательных концепций). – М.: Совершенство, 1998. – 608 с.
20. Давлетшин М.Г. Модульная технология обучения. – Т: ТГПУ, 2000.
21. Джамилова Н.Н. Педагогические основы формирования организаторских качеств у учащихся педагогических колледжей. – Т.: Фан, 2007. – 90 с.
22. Жумаева Н.Э. Умумий ўрта таълимни ишонпарварлаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлиги: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Карши, 2005. – 162 б.
23. Зиямухамедова С., Зиямухамедов Б. Новая педагогическая технология: теория и практика. – Ташкент: Изд-во мед. лит-ры им. Абу Али Ибн Сины, 2002. – 118 с.
24. Зокиров И.И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишининг назарий-амалий асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т.: 2005. – 126 б.
25. Калдибекова А.С. Модулли таълим технологияси ва унинг ўзига хосликлари. // Сб.научно-методических 24 частях. Ч.6. – 228 б.
26. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. - М: Знание, 1989 - 80 с.
27. Кабуш В.Т. Теория и практика формирования гуманистической воспитательной системы: Автореф. ... докт. пед. наук. – Минск, 2001. – 37 с.
28. Краевский В.В. Воспитание или образование?// Педагогика. – М., 2001.- № 3. – С.74-78.
29. Краевский В.В. Общие основы педагогики. – М.: Академия, 2003. – 256 с.
30. Кривов Ю.И. О месте понятия «социализация» в современной педагогике// Педагогика. – М., 2003.- № 2. – С.14-22.

31. Лаврентьев Г.В. Слагаемые технологии модульного обучения.- Барнаул, Изд.Алтайского гос.ун-та, 1994. - 108 с.
32. Мажитова Ш.Н. Педагогические основы целостного развития личности будущего учителя в процессе профессиональной подготовки: Дис. ... канд. пед. наук. – Т., 2005. – 172 с.
33. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий кадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006. – 232 б.
34. Мартишина Н.В. Ценностный компонент творческого потенциала личности педагогика// Педагогика. – М., 2006.- № 3. – С.48-57.
35. Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – 286 б.
36. Маҳкамова М.Ю. Бўлажак тарбиячиларда педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш: Педагогика фанлари номзоди. ...дисс.Автореф. – Т., 2002. – 21 б.
37. Махмутов М., Ибрагимов Г.И., Ушаков М.А. Педагогические технологии, развитие мышления учащихся. – Казань: 1993 – 88 с.
38. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б.
39. Мухаммед Шафик А.Т. Пути и формы социализации детей и подростков в переходный период: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Бишкек, 2006. – 26 с.
40. Мухсиева А.Ш. Оилада миллий тарбияни ташкил этишнинг методик асослари. – Т.: Фан, 2009. – 136 б.
41. Насриддинова Д.Х. Гуманитаризация подготовки будущего учителя-бакалавра в системе высшего педагогического образования: Дис. ... канд. пед. наук. – Т., 2000. – 146 с.
42. Назарова Т.С. Педагогические технологии новый этап эволюции. – М.: Педагогика. 1997. - С. 20-26.
43. Немов Р.С. Психология. Книга 2. Психология образования. – М.: Владос, 2000. – 606 с.
44. Непрерывное образование: краткий словарь/ Под ред. Н.А.Лобанова, В.Н.Скворцова. – СПб.: Файндер, 2003. – 48 с.

45. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности. – М.: Мастерство, 2002. – 288 с.
46. Нишонова С. Маънавият дарслари. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
47. Нишонова С. Миллий қадриятлар ва баркамол инсон тарбияси. / Халқ таълими. – Т., 1999, №3. – Б.16-19.
48. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования/ Под ред. Е.С.Полат. – М.: Академия, 2003. – 272 с.
49. Нуриддинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2002. – Б.24.
50. Нуржанова Р.У. Бошланғич таълим мазмунини прогностика қилишнинг педагогик омиллари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2006. – 21 б.
51. Нуржанова Р.У. Таълим мазмунини прогностика қилиш // Ж. Халқ таълими. – Т., 2005. - №6. – Б.21-24.
52. Olimov Sh. Kasb-hunar kollejlari talabalari ma'naviy-axloqiy tarbiyasining vositalari va ularning turlari. / J. Uzluksiz ta'lim. – 2006 yil, 1-son. – 81-88 b.
53. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2000. – 298 б.
54. Отамуродов С. Маънавият ва маърифат асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 200 б.
55. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000. – 79 б.
56. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 132 б.
57. Очилов.М. Муаллим – қалб меъмори. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 429 б.
58. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.
59. Павловский И.П. Введение в этический кодекс: крах нормативной этики. – С-Пб.: Инфо-да, 2006. – 287 с.
60. Педагогика: педагогические теории, системы технологии. Под ред. Смирнова М: Издательский центр «Академия», 1999. - 544 с.
61. Педагогическая технология / Под ред. Кукушкина В.С. – Серия «Педагогическое образование» - Ростов. Издательский центр Март, 2002. -320 с.
62. Педагогика / Под ред. П.И.Пидкасистого. – М.: Пед.общество России, 1998. – 640 с.

63. Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: Современное слово, 2005. – 720 с.
64. Педагогические технологии / Под ред. В.С.Кукушина. – М.-Ростов-на-Дону: Март, 2006. – 336 с.
65. Педагогический энциклопедический словарь – М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. – 528 с.
66. Педагогика // М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010. – Б. 106-107.
67. Писаренко В.И., Писаренко И.Я. Педагогическая этика. – Минск: Народная асвета, 1986. – 240 с.
68. Платонов Ю.П. Этническая психология. – СПб.: Речь, 2001. – 320 с.
69. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2006. – 540 с.
70. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2005. Кн.1. – 574 с.
71. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 2005. Кн.2. – 256 с.
72. Подласый И.П. Продуктивная педагогика. – М.: Народное образование, 2003. – 496 с.
73. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2006. – 326 с.
74. Поляков С.Д. Технологии воспитания. – М.: ВЛАДОС, 2002. – 144 с.
75. Психология и педагогика / Под ред. А.А.Радугина. – М.: Центр, 2002. – 256 с.
76. Радугин А.А. Этика. – М.: Центр, 2003. – 224 с.
77. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2004. – 160 б.
78. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: Таълим маркази, 1999. – 55 б.
79. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. –Т.: РТМ, 2000. – 46 б.
80. Салиева З. Педагогика коллежлари ўқув жараёнига таълимий технологияларни татбиқ этиш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 48 б.
81. Салтыков-Волкович М.В. Педагогические основы социализации подростков в сферер неформального общения. АКД. – Минск, 2002. – 235 с.

82. Сафарова Р.Ф. ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. – Т.: Фан, 2008.
83. Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев Н., Салаева М. Умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари. – Т.: Фан, 2005. – 136 б.
84. Сафронова Е.М. Воспитательная деятельность в контексте личностного подхода к образованию // Педагогика. – М., 2003.- № 3. – С.38-44.
85. Селевко Г.К. Педагогические технологии на основе дидактического и методического усовершенствования. – М.: НИИ школьных технологий, 2005. – 288 с.
86. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии.- М., Народное образование, 1998. – 130 с.
87. Селиванов О.С. Основы общей педагогики: теория и методика воспитания. – М.: Академия, 2002. – 378 с.
88. Сиволапов А.В. Модернизация воспитательных концепций: закономерности и противоречия// Педагогика. – 2005.- № 9. – С.57-64.
89. Столеренко Л.Д. Педагогика. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – 245 с.
90. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. - Т: Фан, 2002. - 130 с.
91. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 135 б.
92. Юцявичине Л.А. Теория и практика модульного обучения.- Каунас: Швиеса, 1989. - 272 с.